БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (2602) | Сешанба, 17 март 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

РУМИНИЯ ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Ион Георге Маурер бошчилигидаги Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети делегацияси Пекин ва Пхеньяндан қайта туриб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев билан учрашмоқ учун 14 март кечқурун Гаррага келди. Делегация составида Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Эмиль Боднэраш, Николае Чаушеску ва Киву Стойка ўртоқлар бор.

Аэродромда Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети делегациясини КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Г. Д. Джавахишвили, Абхазия область партия комитетининг секретари М. Т. Бгажба кутиб олдилар.

15 ва 16 мартда Гаграда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев ўртоқ Ион Георге Маурер бошчилигидаги Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг делегацияси билан учрашди.

Учрашувларда КПСС Марказий Комитети томонидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ўртоқ В. П. Мжаванадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов қатнашдилар.

Руминия Ишчи партияси томонидан Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ўртоқ Эмиль Боднэраш, ўртоқ Николае Чаушеску, ўртоқ Киву Стойка қатнашдилар.

Учрашувлар вақтида ҳар иккала партиянинг вакиллари бир-бирларини қизиқтираётган масалалар юзасидан фикрлашдилар. Суҳбатлар давомида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида социализм мамлакатлари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун кураш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Учрашувлар қардошларча дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтди.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг делегацияси 16 мартда ўз ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян, В. П. Мжаванадзе, Ю. В. Андропов, Г. Д. Джавахишвили, М. Т. Бгажба ўртоқлар узатиб қолдилар. (ТАСС).

ГЎШТ, СУТ, ЖУН МЎЛ БЎЛСИН!

„Ўзбекистон 40 йиллиги“ колхози ва „Чиноз“ совхози чорвадорларининг қимматли ташаббуси

«ЎЗБЕКИСТОН 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИ БЎЙИЧА

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг аъзолари 1964 йилда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш планларини ҳамда мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар.

«Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозида Калинин бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг методи асосида комплекс чорвачилик бригадаси ташкил этилди. Унга моҳир чорвадор ўртоқ Муслим Юсупов бошчилик қиляпти. Бригадага керакли техника воситалари ва озуқабоп экинлар экиш учун суғориладиган ерлар ажратилган. Бригадада озуқа цехи қурилган. Унда турли хил озуқалар, сунъий сут, ачитқилар, карбамид эритмаси тайёрланади, гидропон усулида дон экинлари ўстирилади.

Колхоз шу йилнинг январь ойи мобайнидаёқ озуқалардан самарали фойдаланиш туфайли ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдорини бир ярим килограмм оширишга муваффақ бўлди. Бу йил январь ойида ўтган йилнинг январь ойидагига нисбатан 50 центнер кўп сут соғиб олинди ва 30 центнер кўп сут давлатга сотилди.

Олти ойликдан ошган бузоқлар бир кеча-кундузда илгариги 650 грамм ўрнига 750—800 граммдан семиряпти. Олти ойликка етмаган бузоқлар эса сунъий сут билан боқилаётганлиги натижасида бир кеча-кундузда 600 граммдан семирмоқда.

Колхозда йирик шохли қорамоллар сонини 520 бошга, жумладан сигирлар сонини 230 бошга етказиш, ҳар бир сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олиш, яъни илгаригига нисбатан бу кўрсаткични 150 килограммга оширишга аҳд қилинди.

Қўйлар сонини 3600 бошга етказиш, ҳар бир бош қўйдан 1900 граммдан жун олиш, ёки уни 200 граммга ошириш, ҳар юз бош сигирдан 85 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 95 тадан қўзи олиш кўзда тутиляпти.

Бу йил колхозда 750 тонна, ёки пландагига қараганда 30 тонна кўп сут етиштирилади ва давлатга 574 тонна — пландан ташқари 26 тонна кўп сут сотилади. 163 тонна гўшт етиштирилади ва 80 тоннаси давлатга сотилади. 72 центнер жун етиштирилиб, давлатга сотилади. Бу 1963 йилдагига нисбатан 11 центнер кўпдир.

Колхозчилар сут сотиш иккинчи квартал планини 15 июнгача, учинчи квартал планини 15 сентябргача ва йиллик планни 1964 йилнинг 15 декабригача шараф билан бажариш мажбуриятини олдилар.

Колхозда гўшт сотиш юзасидан берилган биринчи квартал плани 20 февралдаёқ бажарилган эди. Колхозчилар гўшт сотиш йиллик планини шу йилнинг 1 сентябригача, жун сотиш планини эса 1 октябргача бажаришга аҳд қилишди.

Чорвачиликдаги сермеҳнат иш жараёнлари кенг механизациялаштирилаётганлиги туфайли сут соғувчилар ва молбоқарларнинг иши анча енгиллашди, чорвачилик маҳсулотларининг таннархи арзонлашди, меҳнат унумдорлиги ошди, беш сут соғувчи қисқарди ва шу туфайли 1050 та меҳнат куни тежаб қолинди. Сутнинг таннархи 33 тийинга арзонлашди.

Колхозда «Тандем» типидаги сут соғиш зали бор. Ўртоқ Мунаввара Исҳоқова ўзига биркитилган 99 бош сигирдан 346 тонна, яъни ўтган йилдагига нисбатан 55 тонна кўп, ўртоқ Ҳабиба Шомирзаева эса 98 бош сигирдан 343 тонна, яъни ўтган йилдагига нисбатан 85 тонна кўп сут соғиб олишга сўз берди.

Маълумки, мўл-кўл озуқа базаси — муваффақиятлар гаровидир. Колхозда бу йил 40 гектар ерга маккажўхори экилади, ҳар гектаридан 1000 центнердан кўкпоя олинади ва 4000 тонна силос бостирилади. 30 гектар майдонга лавлаги экилади, ҳар гектаридан 60 тоннадан ҳосил олинади ва 1800 тонна лавлаги жамгарилади. Чорва қишловини намунали ўтказиш мақсадида 2000 тонна дағал хашак тайёрланади.

«ЧИНОЗ» СОВХОЗИ БЎЙИЧА

«Чиноз» наслчилик совхозида 1963 йили далатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан берилган планларнинг ҳаммаси бажарилди ва планда кўзда тутилганидан ҳам кўпроқ фойда олинди. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 1685 центнердан сут ва 212 центнердан гўшт етиштирилди.

Совхоз коллективи КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1963 йил) ва февраль Пленумлари материалларини чуқур ўрганиб чиқди ва қизғин маъқуллади. Коллектив коммунистик меҳнат совхози номини олиш учун кураш бошлади ва зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олди. Бу йил хўжаликда 51 минг центнер сут етиштирилади. Бошқача қилиб айтганда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 1880 центнердан сут ва тирик вазнда 220 центнердан гўшт етиштирилади.

Совхоз коллективи сут топшириш йиллик планини 20 декабргача бажариш, пландан ташқари 1000 центнер сут топшириш, гўшт топшириш йиллик планини 7 ноябргача бажариш, йил охиригача планга қўшимча равишда 400 центнер гўшт топшириш мажбуриятини олди.

Зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида конкрет тадбирлар белгиланди. Ҳозир шу тадбирлар амалга оширилляпти, шунингдек фан ютуқлари ва илғор тажриба ишлаб чиқаришга кенг жорий этиляпти.

Совхозда буқаларга бериладиган кўк массани гидропон усулида ўстириш жорий этилди.

Бу усулни янада кенг қўллаш, сигир-бузоқларни ҳам кўк масса билан боқиш мақсадида хўжаликнинг кормоқухнясида 50 квадрат метрли гидропон цехи қуриб ишга туширилди.

Совхозда бўрдоқига боқилаётган молларга мочевина берилмоқда. Бу тадбир концентратларга кетадиган ҳар хил харажатларни сезиларли даражада қисқартиришга имкон берди. Январь ва февраль ойлари давомида молларнинг бир кеча кундузгаги семириши 550 граммни ташкил этди.

Шунингдек, сунъий сут тайёрлаш ва у билан бузоқларни боқиш иши ҳам яхши йўлга қўйилди. Бу бузоқларга берилаётган сут миқдорини ҳар куни 700 килограммга камайтириш ва шунинг эвазига давлатга сотиладиган сут миқдорини бир йилда 2550 центнер кўпайтиришга имкон берди.

Совхозда озуқабоп экинлар ўстириш ва чорвачиликдаги иш жараёнлари кенг механизациялаштирилмоқда. Мавжуд тўртта фермининг учтасига «Карусель» типидаги янги сут соғиш установкалари қурилди. Молларни бойламасдан боқадиган махсус майдон қурилган. Унда гўнгни йиғиштириш, озуқаларни тақсимлаш, суғориш ишлари тўла автоматлаштирилган. Ана шундай майдон қурилганлиги туфайли хизмат қилувчиларнинг сони анча қисқартирилди. Илгари 300 бош сигир боқиладиган фермада 15 сут соғувчи, 9 молбоқар ва уч бригадир ишларди. Энди тўрт сут соғувчи, етти молбоқар ва битта бригадир ишлаяпти. Ўзўзидан маълумки, бу бевосита харажатлар бўйича сутнинг таннархини сезиларли даражада камайтиришга тўла имкон беради.

Совхозда кўклам-ёз найтларида кўк бедадан каратинга бой бўлган витамин уни тайёрланади. Ҳозир совхозда ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланиш мақсадида кўкламги экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик кўрилляпти. Хўжалик деҳқонлари ҳар гектар ердан 140 центнердан беда, 35 центнердан маккажўхори дони ва 750 центнердан лавлаги олишга аҳд қилишди.

Совхоз коллективи интенсивлаш ва комплекс механизациялашни жорий қилиш асосида етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархини кескин даражада камайтириш ва хўжаликни юқори рентабелли хўжаликка айлантиришга қарор қилди.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитетининг секретариати Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Чиноз» наслчилик совхози меҳнаткашларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларини муддатидан илгари бажариш ҳамда КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан бошлаган қимматли ташаббусларини маъқулларди.

Область партия комитетининг секретариати ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетларига ҳамма хўжаликларда «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози ва «Чиноз» наслчилик совхози меҳнаткашларининг ташаббусини кенг муҳокама қилишни ташкил этиш вазифасини топширди.

ЯМАН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Яман Араб Республикаси президенти, Сиёсий бюро раиси, Миллий хавфсизлик кенгашининг раиси, Яман Араб Республикаси армиясининг бош қўмондони маршал Абдулла Ассалол 16 мартда расмий давлат визити билан Москвага келди.

Яман Араб Республикаси ва СССР давлат байроқлари, Абдулла Ассалол, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежневнинг портретлари билан безатилган Внуково аэродромида фахрий қоровул саф тортди ва давлат гимнлари ижро этилди. Тўплардан миллатлар салюти гумбирлади.

Ҳурматли меҳмонни СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Я. Э. Калнберзин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Ф. Устинов, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар, Москва меҳнаткашларининг вакиллари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Яман Араб Республикасининг СССРдаги элчиси Солиҳ Али Алашвал, СССРдаги бошқа дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Абдулла Ассалол билан бирга Москвага Яман Араб Республикасининг министрлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, қабиляларнинг шайхлари, Яман матбуотининг вакиллари ҳам келдилар. СССРнинг Яман Араб Республикасидаги элчиси Н. П. Сулицкий ҳам шу самолетда келди.

Аэродромда Л. И. Брежнев ва Абдулла Ассалол нутқ сўзладилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«РАБОТНИЦА» ЖУРНАЛИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет хотин-қизларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уларни коммунизм қурилишида актив қатнашишга жалб этиш соҳасидаги катта ишлари учун ҳамда чиқа бошлаганига эллик йил тўлиши муносабати билан **«Работница» журнали Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1964 йил 14 март.

ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Тошкент саноат область ва шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон КП Тошкент саноат область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. В. Каймаков** КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорлари ва Тошкент саноат область ва шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладдан сўнг қизғин музокаралар бўлди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси **В. Г. Ломоносов**, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Н. В. Мартинов** ўртоқлар иштирок этдилар.

(Партия активи йиғилиши ҳақидаги ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

Олтин китоб Қаҳрамонлари

Тошкент қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети чорвачилик фермалари илғор ходимларининг юқори маҳсулдорликка эришиш ва ёш молларни парвариш қилишда 1963 йилда эришилган натижаларини кўриб чиқиб:

Қуйидаги ферма ходимларига ташаккур эълон қилди ва улар область Олтин китобига киритилди.

ОҚҚЎРҒОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА

Усмонали Кашаев Анастасия Молькина	Свердлов номли колхоз чўпони 1-«Оққўрғон» совхозининг бузоқбоқари.

БЎКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА

Екатерина Бабуидина	«Бўка» совхозининг чўчқабоқари.
Пўлат Мирзаев	«Бўка» совхозининг бош чўпони
Ҳаким Тошматов	«Кўкорол» совхозининг бош чўпони.
Назарбой Жумаев	Ҳамза номли колхознинг бош чўпони.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА

А. Жумабоев	Фрунзе номли колхознинг бош чўпони.
Т. Жуманов	Шу колхознинг бош чўпони.
Аширмат Эштоев	«Қизил ту» колхозининг бош чўпони.
У. Чертаев	Шу колхознинг бош чўпони.
А. Пўлатов	«Правда» колхозининг бош чўпони.
М. Тўрабеков	«Политотдел» колхозининг бош чўпони.
Григорий Ким	Свердлов номли колхознинг чўчқабоқари.
Илья Кузнецов	«Политотдел» колхозининг чўчқабоқари.

КАЛИНИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ БЎЙИЧА

Мунаввара Исҳоқова	«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг сут-соғувчиси
Озода Мирзаҳмедова	Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчиси.
Шарипа Юсупова	Шу колхознинг сут соғувчиси.
Ўткура Йўлдошева	Шу колхознинг сут соғувчиси.
Дилбар Абдуллаева	Шу колхознинг сут соғувчиси.
Айтбой Эралиев	«Коммунизм» колхозининг чўпони.
Бакир Хўжаев	Шу колхознинг чўпони
Бекйигит Давронов	Шу колхознинг чўпони
Аббосхўжа Бакирхўжаев	Шу колхознинг бош чўпони
Нина Бельяева	Тошкент паррандачилик фабрикасининг товуқбоқари
А. Ф. Почезарцева	Шу фабрикаанинг товуқбоқари.

ҚАРДОШЛИК, ДЎСТЛИК СИМФОНИЯСИ

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ АРБОБЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВИ

Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган улкан воқеалар оз эмас. 1963 йил март кунларининг бирида Кремлда партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бу гарихий учрашувдан бери орада бир йил ўтди. Бу йил ҳақиқатан ижодий юксалиш йили бўлди. Қардош адабиётларнинг 14 мартда Тошкентда ўтказилган дўстлик кечаси мамлакатимиз ҳаётидаги мана шу улуғ воқеанинг дастлабки якунларига бағишланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек академик опера ва балет театрининг зали етти йиллик илғорлари, маданият ва фан арбоблари, истиқболимиз эгаси бўлган ёшлар билан лиқ тўлди. Улар ўзларининг қадрли меҳмонларини узоқ давом этган гулдурос олқишлар билан кутиб олдилар. Меҳмонлар орасида Россия Федерациясининг, Москва, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистоннинг ёзувчилари бор эди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси С. О. Азимов қардош республикалар вакилларини мажлис аҳлига таништирди, Совет комитетининг Ўзбекистон пойтахтида ўтказган мажлиси якунларини гапириб берди.

«Иностранная литература» журналининг бош редактори Б. С. Рюриков шундай воқеалардан бирини эслатиб ўтди. Бундан беш йилча муқаддам, Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференциясида ана шу театр залида Совет Иттифоқи ёзувчилари билан ҳар иккала қитъа мамлакатларининг ёзувчилари ўртасидаги дўстлик вужудга келди. «Тошкент руҳи» деган машҳур сўзлар шу ерда пайдо бўлиб, бутун дунёга яшин тезлигида тарқалди ва энг хилма-хил миллатларга мансуб бўлган, таниниш туси турлича бўлган ва турли диндаги кишилар дўстлигининг рамзига айланди. «Тошкент руҳи» тинчлик учун, инсоният бахт-саодати учун кураш рамзи бўлиб қолди. Б. С. Рюриков Тошкентда туғилган дўстлик бундан буён ҳам ривожлана ва мустаҳкамлана беради, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Жакартада ўтказиладиган учинчи конференциясида муносиб давом эттирилади, деб ишонч билдирди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари К. В. Воронков партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан Кремлдаги учрашуви ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Сўз усталари — Мехти Гусейн (Озарбайжон), Ҳамид Ғулом (Ўзбекистон), Миршакар (Тожикистон), Қора Сейтлиев (Туркманистон), Шариф Биккулов (Бошқирдистон), Алим Кешоков (Кабарда-Балкария) бирин-кетин сўзга чиқадилар. Улар маданиятимизнинг олтин фондини бойитадиган, кекса бўғинларнинг ажойиб ибратли ишларини кўрсатиб ёшларимизни қизиқтирадиган янги асарлар билан совет халқини қувонтирамиз, деб мажлис аҳлига ваъда бердилар.

Дўстлик ҳаётнинг кўрки. Шу сабабли, ёзувчиларнинг китобхонлар билан мана шу ажойиб интернационал учрашувида Дўстлик деган улуғ сўз айтилган гапларнинг асосий маъносини ифодалаб берди. Шунинг учун ҳам грузин шоири Иосиф Нонюшвилининг «Чинакам дўстликнинг масофаси бўлмайди, Кавказ ва Тянь-Шань тоғлари эса, дўстлик олдида бамисоли ўта кўринувчан ойна бўлиб қолади», деган сўзлари гулдурос олқишлар билан кутиб олинди.

Қирғизистон халқ шоири Али Тўқомбоев ҳам дўстлик тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

Бутун кеча шеърхонлик билан ўтди. Шеърлар рус, ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, озарбайжон ва бепоён мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг тилларида янгради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қабул маросимлари уйида 15 мартда бўлиб ўтган учрашув-суҳбат қардош адабиётларнинг дўстлиги ва ўзаро алоқалари тўғрисидаги бу катта гурунгининг давоми бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ижодий интеллигенцияси намояндалари —ёзувчилар, композиторлар, артистлар, рассомлар, кино ва театр ходимлари, журналистлар, ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари тўпланишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан тарихий Москва учрашувига йил тўлишига бағишланган учрашув-суҳбатни очиб, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон адабиётининг —11 қардош республика адибларининг намояндалари бўлган кўп сонли меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан қизғин табриклади.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари К. В. Воронков, «Иностранная литература» журналининг бош редактори Б. С. Рюриков, ёзувчилар Г. Мустафин, С. Улуғзода, М. Гусейн, Б. Сейтаков, А. Тўқимбоев, Ш. Биккулов, А. Кешоков Совет Иттифоқи халқларининг улуғ дўстлигини чин қалбдан шарафлаб, нутқ сўзладилар. Кинорежиссер К. Ёрматов Кремлдаги учрашувдан кейин Ўзбекистон киносанъатида сезиларли ютуқлар қўлга киритилганлигини қайд қилди.

Ёзувчи Шараф Рашидов ижодий меҳнат ахилларига қилинаётган ғамхўрлик учун Коммунистик партияга оташин ташаккур сўзларини айтди.

Туркман совет адабиётининг оқсоқоли Берди Муродович Кербобоев Ўзбекистонда бўлган кунларда 70 ёшга тўлди. Навоий номидаги опера ва балет театридаги дўстлик кечасида ҳозир бўлганлар ҳамбу ердаги учрашув-суҳбатда ҳозир бўлганлар ҳам уни қизғин қутладилар. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Комил Яшин юбилярга ёзувчилар союзи номидан табрикнома тақдим этди. Ўзбек поэзиясининг оқсоқоли Ғафур Ғулом ўз дўсти Кербобоевни қардошларча қизғин қутлаб, унга сарпо кийгизди.

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан тарихий суҳбатига бир йил тўлганига бағишланган Тошкентдаги учрашувлар ғоят самимий, дўстона вазиятда ўтди, партиямиз ленинча миллий сиёсати ғалабаларининг тантанасига, халқлар бузилмас дўстлигининг ёрқин симфониясига айланди.

Учрашув-суҳбатда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев, С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, Ё. С. Насриддинова, М. М. Мусахонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев И. М. Нажесткин, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларидан руҳланган ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қорамол ва парранда тайёрлаш биринчи квартал планини муддатидан илгари 14 мартда бажардилар. Пландаги 36.542 тонна ўрнига 36.709 тонна ёки 1963 йилнинг шу давридагидан 1.860 тонна кўп қорамол ва парранда харид қилинди.

Бир қанча область ва ишлаб чиқариш бошқармалари қорамол тайёрлаш квартал планини анча ошириб бажардилар. Бухоро области планни 140 процент, Самарқанд области — 126, Андижон области—120 процент ва Хоразм области—107 процент адо этди.

Ғиждувон, Бухоро, Иштихон, Самарқанд, Москва, Пойариқ, Поп, Хева ва бошқа баъзи ишлаб чиқариш бошқармалари қорамол ва парранда тайёрлаш планларини муваффақиятли бажардилар.

Андижон областидаги Охунбобоев номли (раиси ўртоқ Неъматжонов) Тельман номли (раиси ўртоқ Йўлдошев), Свердлов номли (раиси ўртоқ Қурбонов) «Москва» (раиси ўртоқ Мамажонов), Орджоникидзе номли (раиси ўртоқ Тўрабоев), Тошкент областидаги «Ленинизм» (раиси ўртоқ Ортиқов), «Шарқ юлдузи» (раиси ўртоқ Турсунқулов), Сирдарё областидаги Фрунзе номли (раиси ўртоқ Эшонқулов) колхозлар бўрдоқига мол боқишни яхши уюштирдилар ва давлатга қорамол сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

«Узглавзаготскототкорм»нинг бўрдоқичилик хўжаликлари ҳам молларни семиртириш квартал планини муддатидан илгари адо этдилар.

Бу йил сут етиштириш ва тайёрлаш анча яхши ташкил қилинди. 10 мартга қадар республика бўйича 6.054 тонна сут ёки ўтган йилнинг шу давридагидан 11 процент кўп харид қилинди.

Хоразм области сут тайёрлаш квартал планини 116,1 процентга етказиб бажарди.

Шу билан бир қаторда бир қанча областлар, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда анча орқада қолмоқдалар. Чунончи, Қорақалпоғистон АССРда қорамол тайёрлаш квартал плани атиги 62,7 процент, Сурхондарё областида 76.5 процент, Сирдарё областида 80,9 процент бажарилди.

Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Қашқадарё областлари сут тайёрлаш ва харид қилишда орқада қолмоқдалар.

Кўнғирот, Термиз, Задарё, Жиззах, Бўка ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш бошқармаларида чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш жуда қониқарсиз ташкил қилинган.

Ҳамма колхоз ва совхозлар яқин кунлар ичида сут ва тухум тайёрлаш планларини бажариш имкониятига эгадирлар.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ДАВРИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛСИН!

ИНСОН ЯХШИЛИК УЧУН ТУҒИЛГАН

Инсон умри жуда бебаҳодир. Инсон ўз ҳаётида жуда кўп нарсаларни топади. Аммо, ўтган умрини ҳеч қачон топаолмайди, яъни ўтган умр қайтиб келмайди. Халқимиз: «Инсон дунёга бир марта келади», деб бежиз айтмаган. Шундай экан, киши ўз умридан халқ манфаати, бахт-саодати йўлида оқилона фойдаланмоғи ва уни гўзал, хушнуд ўтказиш учун курашмоғи лозим.

Кишининг яшаган умрини у кечирган ой ва йиллар билан эмас, балки бу қимматли фурсатдан қай тарзда фойдалана билгани, нима ишлар қилгани, ўзидан қандай из қолдирганига қараб баҳолаш ўринли бўлади. Агар киши узоқ йиллар яшаган бўлса ҳам, аммо ҳаёти инсонлар учун фойдасиз, манфаатсиз кечган бўлса, айниқса, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан халқимизнинг ғазаб ва нафратига учраса, ундай кишиларнинг умрини ҳақиқий умр деб бўлмайди, балки у ҳайф ўтган эссиз умрдир.

Киши ҳаёти гўзал ва мазмундор бўлиши учун, у аввало турмушнинг мазмунини, қадр-қимматини, унинг нақадар гўзаллигини чуқур англамоғи лозим. Шунинг билан бирга турмушда учрайдиган қарама-қаршиликларни тушунмоғи ва ҳаётда учрайдиган айрим қийинчиликларни оқилона бартараф қила билиши зарур. Ниҳоят мазмунли ҳаётга эришиш учун сидқидиллик ва ҳалол меҳнат туфайли унга эришиш мумкинлигини онгли равишда тушуниши лозим. Бунинг учун ҳар бир киши улуғвор идеалларга интилмоғи ва ўз олдига ақл-идрок билан шарафли орзу-истакларни мақсад қилиб қўя билмоғи керак.

Маълумки, ўз олдига аниқ, жамиятимиз учун фойдали мақсад қўйиб ва уни жорий қилиш йўлида секинлик билан бўлса ҳам, тўхтовсиз, тадбирли равишда интилаётган киши мақсадсиз кўр-кўрона дуч келган томонга бош ураётган кишига қараганда жамиятга кўпроқ фойда етказади. Совет кишисининг идеали дунёда энг улуғвор жамиятни барпо этишни ва бу шарафли ишга ҳисса қўшишни ўзининг буюк орзу-истаги деб билади. У бугунги қувноқ, бахтиёр ҳаёти билан ҳақли равишда фахрланиб, эртаги кунини бугунгидан кўра ҳам порлоқ ва ёрқин эканлигини чуқур ҳис этади. Ана шундай улуғвор идеалларга, орзу-истакларга интилиш ҳар бир совет кишисини мардлик, матонат, жасурлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишга чорлайди.

Тарбия кишининг ақлини ўстириш, унга муайян билимлар бериш билан чегараланмай, балки унда жиддий меҳнатга чанқоқлик оловини ҳам ёқуви лозим.

К. Д. УШИНСКИЙ.



Совет кишиларидаги ана шундай улуғвор идеалларга интилиш жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида ўз ифодасини топмоқда. Масалан, айрим кишилар ёшлик давриданоқ соҳибкор боғбон бўлишни, гуллар-чечаклар, турли мевали боғларнинг сеҳри билан яшашни истаса, иккинчилари эса Ватанимизнинг бепоён гўзал далаларини бўстон қилувчи оқил, миришкор деҳқон бўлишни орзу қиладилар. Яна бирлари жўшқин ҳаёт қайнаётган заводга бориб, катта ва мураккаб дастгоҳни идора қилишни хоҳласа, бошқалари инсон ақлини ҳайратда қолдирадиган ажойиб машиналарни ихтиро этишни умид қилади. Қисқаси, бизда ҳар касбнинг ўз эгаси бор ва ҳар қайсисининг ўзига хос завқи бор. Ҳар қалбда ўзига хос шарафли орзу-истаклар бор, ана шуларга интилишнинг ўзи совет кишиларига қанот бахш этади.

Инсонда орзу-истак бўлиши, улуғвор идеалларга интилиши қанчалик зарур бўлса, унга эришиш учун курашмоғи ҳам шунчалик муҳимдир. Агар киши ўз олдига улуғ мақсадларни, орзу-истакларни қўйсаку, унга эришиш йўлида ғайрат, матонат ва кучли ирода кўрсата олмаса, у ҳолда унинг тилаклари қуруқ хаёлга айланади.

Ҳар бир киши ҳаётга умидсизлик билан қарамаслиги, балки ҳаётда энг яхши орзу-тилаклар билан яшамоғи керак.

Киши ўз олдига улуғвор мақсадларни қўймоғи ва унга эришмоғи учун инсонда чуқур илмий асосда марксча-ленинча дунё қараши шаклланган бўлиши керак. Бунинг учун у ўз устида тўхтовсиз ишламоғи, фан асосларини чуқур ўрганмоғи, табиат ва жамият тараққиёти объектив қонунларини билиб олмоғи, йўл кўрсатувчи юлдуз ҳисобланган марксизм-ленинизм таълимоти билан чуқур қуролланмоғи, ўз амалий фаолиятида ана шу таълимотга таяниб иш кўрмоғи лозим.

Ҳар бир кишининг ҳаёти жамиятимиз учун фойдали ва мазмундор ўтиши учун унда, аввало, энг улуғвор чин инсоний сифатлар мужассамланган бўлмоғи даркор.

Бизнинг улуғвор орзу ва истагимиз коммунистик жамиятни қуриш ва бу шарафли ишда актив иштирок этишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир совет кишиси коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида баён қилинган ахлоқ принципларини чуқур ўрганиб, ўз амалий фаолиятида унга тўла ва оғишмай амал қилмоғи лозим. Яъни, ҳар бир инсон коммунизм ишига садоқат, Ватанга муҳаббат, ҳалол меҳнат, чин дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик каби чин инсоний сифатларни ўзида мужассамлантирмоғи керак.

Совет оиласи чин дўстликка, инсон қалбининг чуқур ерларидан жой олган инсоний муҳаббатга, ўзаро ҳурмат ва садоқатга, ҳамкорликка асосланади. Айниқса, ҳар бир киши умр меваси ва ўрин босари бўлган азиз фарзандларининг она-Ватанга, совет халқига садоқатли, унинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган чин инсон қилиб вояга етказмоғи лозим.

Яхши, оқил, ахлоқли, виждонли, меҳнатсевар фарзандгина ота-онага, халққа бахт келтиради. Ҳар қайси ёш авлодни жонажон она-Ватанимизнинг шон-шуҳратига муносиб қилиб тарбия қилайлик! Усиб келаётган ёш авлод шуни унутмаслиги кераки, уларга бахтли ёшлик бераётган, ўсиб улғайиб камол топиши учун барча имкониятларни яратиб бераётган жонажон Коммунистик партия, улуғ Совет ҳукумати уларни чин инсон бўлишга чорлайди.

Чин инсон ўзининг умрига ва босиб ўтган ҳаёт изига бирма-бир назар ташлаб, уни кўз олдига келтиради. Агар шунда, у ўз виждони олдида ўзининг поклиги, халқ учун, Ватан учун қилган шарафли ишлари билан фахрланса, айрим кишилар ўзларининг жамиятда қилган ноўрин хатти-ҳаракатлари ва қилмишларидан изтироб чекадилар.

Ана шундай изтироб чекмаслик ва ўтган бефойда умрга кейин пушаймон қилмаслик учун инсон дурдан, олтиндан ҳам қимматли бўлган умр қадрини яхши билиши керак.

Ҳурматли шоиримиз Ғафур Ғулом инсон умрининг қадр-қимматини баҳолаб, шундай дейди:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шох сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин

Ҳар бир инсон ўз умрини шундай ўтказиши кераки, токи уни она-Ватан, бутун совет халқи катта ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан тилга олсин.

Р. УСМОНОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Ота-она учун бола — азиз ва лазиздир. Бола ота-онанинг кўз қорачиғи ва жигар гўшаси. Ота-она кечани-кеча, кундузни-кундуз демай унинг атрофида парвона бўлади. Бетоб бўлиб қолгудек бўлса, ундан кўра кўпроқ дард чекади. Соғлом бўлса дунё-дунё хурсанд бўлади. Бундай ҳолларни сиз, албатта, бошингиздан кечиргансиз.

Лекин бола азиз экан деб уни бўлар-бўлмасга талтайтириб юбориш ярамайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ва оиладаги ҳар бир катта киши болани билиб тарбия қилиши лозим. Боланинг қобилияти ва эҳтиёжларини яхши англаш ва уни тўғри йўлга солиш керак.

Бола ҳаракат ва ўйин, ақлий ва жисмоний меҳнат орқали ён-атрофни билади. Буюмлар ва одамлар билан алоқада ва муносабатда бўлишни ўрганади. Шунинг учун болани «жим ўтир», «тегма», «чопма», «қимирлатма» деб бўлар-бўлмасга койийвериш ҳам керак эмас.

Болангиз ҳар бир нарсани билгиси келади. Нарса ва буюмларни ўз кўзи билан кўришни, қўли билан ушлашни истайди. Бу — боланинг қонуний истагидир. Сиз болангиз берган саволларни эшитишдан ва унга тўғри, қисқа ва тушунарли жавоб беришдан зерикманг. У билан илиқ суҳбатлашинг. Фикр ва тушунчаларининг ўсишига ёрдам беринг.

Болангиз меҳнатни севсин ва меҳнат қилиш йўлларини билсин. Қилган меҳнатидан лаззатлансин. Кўпчилик учун ишлашга ва ўз-ўзига хизмат қилишга ўргансин. Меҳнат ўрни ва иш-ўқиш қуролларини авайлаб сақлашга ва ундан ижодий фойдаланишга одатлансин. Бунинг учун болангизнинг меҳнатини тўғри ташкил қилинг. Бунда ўзингиз намуна кўрсатинг, бош бўлинг.


Боланинг ёшликдан эстетик дидини ўстиринг. У, яхшини ёмондан, чиройликни хунукдан, силлиқни дағалдан, ширинни бемазадан, тозани ифлосдан, хушмуомалани қўполликдан, хушбичимликни сатангликдан, камтаринликни такаббурликдан, табассумни захархандадан, ёқимтойликни дилозорликдан фарқ қилсин — яхшисига одатлансин. Сиз болангизга табиат ва жамиятдаги гўзаллик ва нафисликнинг моҳиятини мисоллар билан тушунтиринг. Ҳақиқий гўзалликни севдиринг.

Болаларни тарбиялаш ҳаётимизнинг энг муҳим соҳасидир.

А. С. МАКАРЕНКО.

Онглилик, интизомлилик инсоннинг кўрки ҳисобланади. Бунинг учун ўзингизда ва умуман оилангизда мустаҳкам тартиб, ўзаро ишонч ва бир-бировингизга чин муҳаббат бўлиши, албатта шартдир.

Бола тақлидчиликни ёқтиради. Шу сабабдан у кўп янглишади. Бинобарин, сўз ва ишингизда, феъл ва атворингизда, муомала ва муносабатингизда, юриш ва туришингизда болангиз олдида фақат яхши намуналар кўрсатинг. Оилада уриш ва жанжалга, кесатиш, иғво ва фитнага, диний ва хурофий урф-одатларга, бир-бировини камситиш ва менсимасликка, алдаш ва ёлғон гапиришга, ичиш ва чекишга, қовоқ ва думоққа мутлақо ўрин бўлмаслиги лозим. Чунки, буларнинг ҳаммаси болангизга ёмон таъсир этади.



Ёшлигидан коллектив ичида ўсган бола ижтимоий ҳаёт қоидаларига ўрганади. Кўпчиликнинг кучига ишонч пайдо қилади. Бир-бировини қўллаш ва ёрдам бериш ҳисси уйғонади. Кўпчилик манфаати учун куйиб-пишадиган, олдинги сафда боришга тиришадиган олижаноб хислатлар пайдо бўлади. Болангиз худбин бўлиб ўсмайди. Манфаатпарастлик йўлига кириб кетмайди. Болани яхши ишлари учун ўз вақтида рағбатлантирсангиз унинг боши осмонга етади.

Шуниси ҳам борки, ортиқча тақдирлаб юборсангиз бола талтайиб кетади. Шунинг билан бирга ҳаддан ташқари қоралаб, уни ерга уриб юборманг.

Коммунистик жамиятимизнинг қурувчиси ва порлоқ келажакнинг эгалари бўлган болаларимиз ҳар томонлама етук бўлиб вояга етсин. Бунда биз, ота-оналарнинг бурчимиз жуда катта.

А. РУСТАМОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Ўтган ўқув йилида кўпгина мактабларнинг педагогик коллективлари бошланғич синф ўқувчилари орасида бирорта ҳам ўзлаштирмовчи бўлишига йўл қўймаслик юзасидан яхши ташаббус бошлашган эди. Афсуски, айрим мактабларда бунга тўла амал қилинмаяпти. Бир синфда 2 йил ўқишга мажбур бўлаётган ўқувчилар ҳозирда ҳам учраб туради. Синфда қолиш бола учун ҳам, ота-она учун ҳам кўнгилсиз бир ҳолдир.

Ўзлаштирмовчиликнинг олдини олиш учун ўқув йилининг дастлабки кунданоқ ўқув-тарбия ишларини намунали йўлга қўйиш лозим. Чорак охирларида шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, ўқитувчилар ўқувчиларнинг билимларига асосланмай, улардаги ўсиш, қизиқиш ҳолатларини кузатмай туриб, ўзларича якуний баҳо чиқариб қўяқоладилар. Бунинг фойдасидан зарари кўп. Чунки, бу билан ўқувчиларнинг ўқишга бўлган ҳаваси, интилиши бирмунча сусаяди. Улар ўқишга лоқайдлик билан қарай бошлайдилар.



Ўзлаштирмовчиликнинг олдини олиш ва икки йилликка қарши курашиш мактаб педагогик коллективининг асосий ишидир. Ўзлаштира олмаслик ва бир синфда иккинчи йилга қолишга кўп нарса сабаб бўлади, албатта. Ўтилаётган машғулотнинг ғоявий савияси паст бўлиши, яъни ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланмай кириши ўқитишнинг нуқсон томонларидан биридир. Айрим ўқитувчилар машғулотларда кўргазмали материаллардан камдан-кам фойдаланадилар. Бунинг устига дарслар кўпинча лекция методи асосида олиб борилади. Ваҳоланки, ана шу усулда дарс ўтиш ўқувчининг машғулотга бўлган қизиқишини оширмайди.

Мактаб ўқитувчиларнинг ота-оналар билан яқиндан алоқада бўлиши ўқувчидаги камчиликларни бартараф этишда катта ёрдам беради. Демак, ота-оналар комитети ўқув-тарбия ишлари савиясини оширишда катта кучдир.

Бу ерда синф раҳбарларининг вазифаси ҳақида ҳам бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Синфда интизомнинг бўш йўлга қўйилиши кўп жиҳатдан синф раҳбарларига боғлиқ. Тўғри, синф раҳбарларининг олиб борадиган таълим-тарбиявий ишлари жуда кўп. Таълим-тарбияни намунали йўлга қўйиш, ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг уй шароитлари билан танишиб туриш, ўзлаштирмовчиликнинг олдини олиш каби вазифалар синф раҳбари зиммасига юклатилган.

Мактаб, оила, комсомол ва бутун жамоатчиликнинг тарбиявий таъсир ўтказиш кучи ниҳоят даражада катта. Агар бу кучлар моҳирлик билан ва пухта ўйланиб бирлаштирилса ва юксак мақсадга йўналтирилса, бу кучлар ёш бўғин ҳаётидан салбий ҳодисаларнинг ҳаммасини охиригача ва қайтармайдиган қилиб кўчириб ташлашга қодир.

Н. С. ХРУЩЕВ.

Бироқ, айрим ўқитувчилар бу ишлар синф раҳбарларининг вазифаси экан деб тарбиявий ишлар билан шуғулланмай қўядилар. Бу тўғри эмас ,албатта. Ҳар бир ўқитувчи, синф раҳбари бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, жонкуяр тарбиячи бўлиши лозим.

М. РАШИДОВ,
Киров районидаги 101-мактабнинг илмий бўлим мудири.

ЁШЛАР ВА АТЕИСТИК ТАРБИЯ

Совет мактабининг ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашдаги асосий вазифаларидан бири уларни илмий-материалистик, атеистик руҳда тарбиялашдир. Атеистик тарбия эса, коммунистик тарбиянинг узвий қисми ҳисобланади. Атеистик тарбия ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги диндорларнинг таъсири билан заҳарланмаслигига, уларда материалистик дунёқараш, ҳар қандай диний уйдирмаларга алданмаслик, ўз кучига ишонч, меҳнатсеварлик каби коммунистик жамият кишисига хос фазилатларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишига катта ёрдам беради.

Мактабда олиб бориладиган атеистик тарбиянинг ўзига хос форма, метод, воситалари бор. Бу ерда атеистик тарбия асосан синфда, ўқув предметлари бўйича ўтказиладиган дарс процессида ва синфдан ташқи машғулотлар вақтида олиб борилади.

Дарс — ўқитувчиларнинг мактабдаги энг асосий иши бўлиб, ўқувчиларда билим ва малака ҳосил қилишнинг, тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим формасидир. Ўқитувчи дарсларни илмий ва ғоявий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга интилар экан, ўз ўрнида ўқувчиларни атеистик дунёқараш руҳида тарбиялашга ҳам жиддий эътибор бериши лозим.

Илмий-атеистик тарбияни умумий таълимнинг пойдевори бўлган бошланғич синфлардаёқ бошламоқ керак. Чунки, мактаб ёшига етиб, 1-синфга келган болада атроф-муҳит, табиат ва жамият ҳақидаги тушунча, оилада кўрган ёки эшитган нарсаларга нисбатан муносабат ҳали куртак ҳолида бўлади. Шунинг учун ўқувчилар онгига илмий-материалистик дунёқарашни, барча хурофотларга ишонмаслик ҳиссини изчиллик билан сингдира бориш керак.

Мактабда ўқитиладиган тил-адабиёт, тарих, география, кимё, физика, биология, астрономия, математика, табиёт ва политехник таълим циклидаги предметлар ўқувчиларни илмий-атеистик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, бадиий адабиёт идеология ишининг жуда таъсирчан формаларидан бири, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, улар онгида материалистик, илмий-атеистик дунёқараш ҳиссини кучайтиришда кучли воситадир.

Тарих дарси ўқитиш жараёнида ўқувчилар ғоявий-сиёсий жиҳатдан мунтазам равишда тарбияланиб борадилар, уларда материалистик, илмий-атеистик дунёқараш ҳисси ривожланади ва мустаҳкамланади. Тарих курсларида ўқувчилар табиат ва жамиятнинг диалектик ривожланиш қонунларини марксизм-ленинизм таълимоти асосида тушуниб оладилар.

Тарих дарси ижтимоий тузумнинг ва энг қадимги одамлар ҳаётининг ўзгариб, ривожланиб бориши, динларнинг азалдан мавжуд бўлмай, балки ибтидоий халқларнинг табиат ҳодисалари қаршисида ожизлиги ва ҳодисалардан қўрқиш натижасида пайдо бўлганини жонли далиллар билан кўрсатишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу масалада қадимги дунё ва ўрта аср тарихи, шунингдек, янги тарих ва СССР тарихи курслари илмий-атеистик тарбия учун бой-материал беради.

Мактабларимизда ўқитиладиган кимё, физика, астрономия фанлари ҳам диалектик материализмга асосланади. Бу фанлар табиат ва жамиятдаги барча воқеълик, мавжудотларнинг вужудга келиши заминида моддий дунёнинг қонуний ўзгариши, тараққий этиш ҳодисаси, тарихий процессда халқ оммасининг меҳнати, ақли, идроки ҳал қилувчи роль ўйнашини, ҳар қандай дин ва диний эътиқодлар ҳақиқатга зид эканлигини англаб олишга имкон беради.



Ўқувчиларни илмий-атеистик руҳда тарбиялашда синфдан, мактабдан ташқари олиб бориладиган машғулотлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Мактабда ташкил этиладиган фан тўгараклари ҳамда «Атеистик тўгарак», табиат музейларига экскурсия, атеистик темаларда ўтказиладиган пионер сборлари, кинофильмлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мактаб ўқитувчилар коллективининг ўқувчиларни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолияти дарс процессларида ҳам, дарсдан ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган таълим-тарбиявий машғулотларда ҳам яхши йўлга қўйилиши лозим.

Ҳ. ЗУННУНОВ,
педагог.

ОНАДЕК МЎЪТАБАР, МЕҲРИБОН

Қаҳратон қиш кунлари эди. Гулсум опа одатдагидек дарс ўтаётганда, синф эшигини биров тақиллатди. Опа куйиб-пишиб тушунтираётган дарсини бир лаҳзага тўхтатди. Болалар ҳам эшикка қарашди. Қия очилган эшик олдида Ҳакимнинг хомуш, аллақандай изтиробли чеҳраси, ғамгин кўзлари кўринди.

Опа шошиб Ҳакимнинг олдига борди. Ҳаким бошини қуйи солди-ю «онам...» деб уёғини айтолмай хўнграб йиғлаб юборди. Гулсум опа унинг онаси ҳаётдан кўз юмганини тушунди. Болага ачиниш, ҳам аллақандай зўр оналик меҳри билан тикилди. Унинг бошини силаб: «Қўй, йиғлама» —дедию, ўзи ҳам кўзларига ёш олганини сезмай қолди.

Гулсум опанинг шу бугунги дарси жуда чўзилиб кетгандек туюлди. У Ҳакимнинг аҳволига жуда ачинарди! Боланинг отаси бундан беш-олти йил илгари вафот этган эди. Мана энди у етим қолди.

Нимагадир, Гулсум опанинг қалбида чексиз туйғулар туғён кўтарди. «Онаси ўрнига оналик қилишим керак!» деган фикр унинг ҳамма туйғуларидан юксакроқ келди.

Эртаси у Ҳакимжонининг уйига йўл олди. Қўни-қўшнилар тўпланишди. Узоқ суҳбатлашиб, болани юпаттирувчи сўзлар айтишди.

Ҳаким опанинг меҳрибонлигини сезиб:

— Мен сизни онам ўрнига она деганман!— деб кўкраги тўлиб кетди, ўксиди. Етимликни бошидан кечирган опа уни бағрига босиб, кўз ёшларини артди.

Шу-шу бўлдию, Ҳаким Гулсум опанинг уйида тура бошлади. Йиллар ўтди. Ҳозир Ҳаким Мўминов республика пахтачилик илмий-текшириш институтида кандидатлик илмий даражасини олиш учун диссертация устида иш олиб бормоқда.

Гулсум Жалаева Тошкентдаги 12-мактабда кўпдан бери педагоглик қилади. У ўқувчиларнинг ўзлаштириши, хулқи билан бирга, уларнинг оилавий аҳволидан ҳам тез-тез хабар олиб туради, улар ўртасида тарбиявий-ташкилий ишлар олиб боради.

Уз касбига меҳр қўйган Гулсум опа ўзининг 40 йиллик педагогик фаолиятида ҳаммавақт энг илғор методлардан, тажрибалардан, кўргазмали қурол-диафильмлардан фойдаланиб иш кўради, дарс «мағзи»нинг ўқувчиларга етиб боришига ҳаракат қилади. Бўш вақтларида қолоқ ўқувчиларга алоҳида консультациялар беради. Шунинг учун ҳам у ўқувчи ва ўқитувчилар коллективи ўртасида катта ҳурматга эга.

С. СУЛТОНОВ.

КЕНЖАТОЙЛАР ШАҲАРЧАСИ

Мария Петровна ён қўшниси Анастасия Леонтьевна билан гаплашиб ўтириб, ўғлидан нолиди.

— Вовкам ўйинқароқ бўлиб кетяпти,—деди аёл куйиниб.— Ҳали қарасанг у кўчада, ҳали қарасанг бу кўчада санқиб юргани-юрган. Қулоғига сира гап кирмайди. Бу бебошлигингни қўй десам, хўп дейди-ю, ўз билгисидан қолмайди. Ҳозир-ку мактаби бор, каникулга чиққанда нима қиламан. Бошим қотиб қолди.

Мария Петровна бироз ўйланиб турди-да:

— Шу деяман, ҳовлимизда болалар хонасини очсак, қандай бўларкин-а?— қўшнисига савол назари билан қаради.

— Жуда соз-да, —унинг фикрини маъқуллади Анастасия Леонтьевна.— Ҳовлимизда болалар кўп. Хонага уларни ҳам жалб этиш мумкин. Ҳўв, анави складни болалар хонасига айлантирсак ҳам бўлади. Келинг, яхшиси ҳали кечқурун қўшниларни тўплаб, шу ҳақда гаплашиб олақолайлик.

Болалар хонаси ташкил этиш тўғрисида фикрлашилаётганда Галя Ивановна туриб олди.

— Ўша ҳужрани ким айтади тарбия хонасига айлантириб бўлади деб,— деди у норозилик оҳангида.— Унинг ичига кириб бўлмайди. Деворлари бузилиб-ёрилиб ётибди. Поли ҳам йўқ.

— Нима, уни шинам хонага айлантириш қўлимиздан келмайди деб ўйлайсизми,— деди Анастасия Леонтьевна қатъий.—Келади. Ҳамма гап ўзимизда. Истак бўлса бас, буёғи битиб кетаверади.

Бу гап бошқаларга ҳам маъқул тушди. Қўшнилар маслаҳатни бир жойга қўйиб ишга киришишди. Ҳужра яхшилаб тозаланди. Пол қоқиб, деворлари оқланди. Тарбия хонаси учун ҳовлидан алоҳида майдонча ажратилди. Спорт майдончаси қурилди. Хуллас , ҳовлида тузуккина болалар шаҳарчаси ташкил топди.

Болалар шаҳарчасининг қаерда жойлашганлиги билан қизиқаяпсизми? Мана, унинг адреси: Тошкент, Киров район, Магнитогорск кўчаси, 18/20 уй. А. Л. Шангина, М. Я. Афанасьева, М. Аҳмедова, Т. Сатаева каби жонкуяр аёллар бу ибратли ишнинг ташаббускорлари бўлишди. Ҳовлидаги болаларнинг кўпи бу хонага аъзо. Ўтган йили ёз гаштини улар шу шаҳарчада суришди.

Шаҳарча бундан роса бир йил олдин иш бошлаган эди. Ҳозир шаҳарча ўзининг кутубхонасига ҳам эга. Унда ранг-баранг китоблар бор. Буларнинг ҳаммасини болаларнинг ўзлари келтириб беришган.

Ота-оналар тарбия хонасига бош-қош бўлишяпти. Шаҳарчадаги радиола ҳам, диван ва стол-стуллар ҳам ота-оналар томонидан тортиқ этилди.

Шаҳарчада кунда-кунаро бола тарбияси ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. «Ота-оналар куни» ҳам жуда қизиқарли ўтмоқда. Ана шу фойдали тадбирлар ҳовлидаги ўқувчиларнинг ўқиши ва юриш-туришига ижобий таъсир кўрсатяпти.

— Вовка ҳам анча қуйилиб қолди,— дейди Анастасия Леонтьевна.— Ҳозир ундан онаси ҳам, ўқитувчилари ҳам хурсанд. Хонамиз ўз оти билан тарбия хонаси эмасми, бутун ҳаракатимиз болалар тарбиясига қаратилмоқда. Шаҳарчада ҳар хил тўгараклар очганмиз. Тўгарак машғулотлари актив ота-оналар томонидан навбатма-навбат олиб борилади. Урицкий кўчада ҳам болалар шаҳарчаси бор. Биз ўша ҳовли билан мусобақа боғлаганмиз. Ўтган йили декабрь ойида мусобақага якун ясалди. Шаҳарчамиз болалари анчагина фойдали иш қилишгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу йил ёзда пионер лагери очиш ниятимиз бор. Ана ўшанда биз томонга яна бир келинг-а, кўп янгиликларнинг шоҳиди бўласиз.

Ҳа, Анастасия Леонтьевна тўғри айтди. Уз болажонлари тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилаётган бу ҳовли кишилари тарбия соҳасида яна кўп иш қилишлари турган гап.

М. ТОШПЎЛАТОВА.

Бу саҳифани редакциянинг оила ва мактаб штатсиз бўлими ходимлари тайёрлаган.

БУ ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАЛАЛАРИДА 2.000 КЎЧИЕВЧИ ИШЛАЙДИ



Ўртоқ Жавод КЎЧИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССРдаги «Малик» совхози механизациялашган пахтачилик бригадасининг раҳбари Жавод Кўчиев қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги технологияси ижодкорларидан биридир.

Ўрта Осиё республикаларидаги колхоз ва совхозларда бу новаторнинг номини билмайдиган киши йўқ. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг кўпчилик хўжаликларидан ўқиш учун унинг ҳузурига механизаторлар келишади. Биргина шу йилнинг ўзида Ж. Кўчиев мактаби семинарларида юзлаб бригадирлар, механик-ҳайдовчилар, инженерлар, партия ва қишлоқ хўжалигининг раҳбар ходимлари пахтачиликни комплекс механизациялаштиришнинг илғор тажрибаси билан танишдилар.

Жавод Кўчиев яқинда Кубадан қайтиб келди. Моҳир пахта устаси бир ярим ой мобайнида Озодлик оролидаги дўстларимизга илғор иш усулларини ўргатди.

Кўчиев бригадасида қўлланилаётган янги технология модлий ва меҳнат сарф-харажатларини кескин камайтирган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш йўлларини очиб беряпти. Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг кенгашида 1964 йил 28 февралда қилган докладида Ж. Кўчиев бригадаси 1963 йилдаги ишининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини келтириб ўтди.

Бу кўрсаткичлар қуйидагича:	
Пахта майдони (гектар)	140
Ҳосилдорлик (центнер)	38
Ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган пахта (центнер)	330
Бир центнер пахтага сарфланган меҳнат (соат)	8,4
Бир центнер пахтанинг таннархи (сўм)	**14,43**
шу жумладан: иш ҳақи (сўм)	5,04
ишлаб чиқариш чиқимлари (сўм)	4,62
амортизация чиқимлари (тийин)	92
маъмурий-хўжалик чиқимлари (сўм)	3,85
Ҳар центнер пахтага давлат тўлаган пул (сўм)	**28,57**

Ж. Кўчиев бригадасининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин яхшиланмоқда. Ўтган йили 1962 йилдагига нисбатан ҳосилдорлик гектар бошига 8,4 центнер оширилди, бир гектар ерга сарфланган меҳнат 21,2 киши куни камайтирилди. Ишлаб турган бир киши ҳисобига етиштирилган пахта 80 центнер оширилди, бир центнер пахтанинг таннархи эса 20 процент камайтирилди.

Эҳтимол Ж. Кўчиев бригадаси энг яхши ерга эгадир, ёки табиий шароити жуда қулай бўлган районга жойлашгандир? Йўқ! Тупроғи ҳам шароити ҳам қўшни хўжаликларда ва қўшни ишлаб чиқариш бошқармаларида қандай бўлса, шундай. Ери ўрта соғтупроқли. Юқори даражада шўрхок бўлгани учун ҳар йили ювиб туришни талаб этади. Бутун зона бўйича, ўртача олганда, совуқ бўлмаган кунлар қанча бўлса, бу ерда ҳам шунча, ҳаво ҳарорати қанақа бўлса, бу ерда ҳам шунақа, қанча ёғингарчилик ёғса, бу ерга ҳам шунчалик ёғади.

Бригадада шунинг учун ҳам муваффақиятларга эришиляптики, бу ерда деҳончилик маданияти юксак даражага кўтарилган, мўл ҳосил учун олиб бориладиган курашда машиналар комплекси ва химиявий воситалар уддабуронлик билан қўлланилади.

Кўчиев бригадасида ғўза парваришидаги ҳамма ишлар механизациялаштирилган. Ер шўрини ювиш, культивациядан кейин ҳимоя зонасини ўтоқ қилиш ва қисман тўкилган пахтани териб олиш бундан истисно.

Ж. Кўчиев бригадасида 16 киши, шу жумладан 6 механизатор ишлайди. Уларнинг ҳар бирида ёрдамчи бор. Бу ёрдамчилар агрегатга хизмат қилишни таъминлаш билан бирга техникани бошқаришни ҳам ўзлаштириб борадилар. Бригаданинг қолган тўрт аъзоси — сувчилар. Улар суғориш ишларидан бўшаган пайтларида бригадирнинг топшириғи билан бошқа ишларни бажаришади. Бригаданинг ҳар бир аъзосига ўрта ҳисобда 9 гектар экин майдони тўғри келади.

Бригада далалари яхши ўғитланади. Ўтган йили ҳар гектар пахта майдонига ўрта ҳисобда 11 тоннадан органик компостлар, 170 килограммдан азот ва 165 килограммдан фосфор (соф ҳолда) солинди. Барча органик ўғит ва йиллик нормадаги фосфорнинг 60 проценти шудгорлашдан олдин солинди. Азот ва фосфорнинг қолган қисми ғўзани озиқлантириш даврида берилди. Азотнинг бешдан бир қисми ерга чигит экиш билан бир вақтда солинди. Бригадада ҳар бир килограмм соф азот ҳисобига 22,3 килограммдан пахта олинди.

Бригада аъзолари туксизлантирилган чигитларни экишдан олдин албатта гексахлоран ва ТМТД билан дорилайдилар. Ўтган йили сеялкалар биринчи марта гербицидлар соладиган мосламалар билан жиҳозланди. 140 гектар экин майдонининг 50 гектарига гербицидлар билан ишлов берилди. Ана шу майдонларга нисбатан 4 центнердан кўп пахта олинди. Бригада далаларига ғўза зараркунандаларига қарши самолёт билан икки марта химиявий дориворлар сепилди.

Ж. Кўчиев бригадасининг иш тажрибаси—катта бойликдир. **Агар бу бригада эришган кўрсаткичларни умуман республика бўйича эришилган кўрсаткичлар билан солиштириб кўрсак, Ж. Кўчиев бригадасида ҳосилдорлик 1,7 баравар кўп, ишлаётган ҳар бир кишига тўғри келадиган экин майдони 4,5 марта катта, меҳнат унумдорлиги 7 баравардан зиёд кўп, бир центнер пахтанинг таннархи эса 1,8 баравар арзон эканлиги маълум бўлади.**

Агар Ўзбекистондаги ҳамма хўжаликлар ҳам Ж. Кўчиев бригадаси даражасига етиб олса, республикада жуда кўп миқдорда пахта етиштирилади ва унга сарфланадиган харажатлар анча камаяди.

Мана шунинг учун ҳам ҳозир республика партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари мазкур тажрибани Ўзбекистондаги бошқа совхоз ва колхозларда ҳам жорий этиш юзасидан амалий тадбирларни кўрмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шу йилдан бошлабоқ Жавод Кўчиевнинг технологиясини қўлланадиган комплекс механизациялашган бригадалар ташкил этиш юзасидан областлардан тушган таклифларни умумлаштирмоқда.

Республикадаги ҳар бир колхоз ва совхознинг ўз кўчиевлари бўлади. Ҳозир кам деганда 2000 та бригада шу йилнинг баҳоридан бошлабоқ унинг технологияси бўйича ишлашга тайёргарлик кўрмоқда. Демак, Ўзбекистонда бу йил бир эмас, икки минг Кўчиев бўлади.

Таҳминий ҳисобларга қараганда кўчиевчилар бригадалари 200—250 минг гектар майдонда пахта етиштиришади.

Комплекс механизациялашган бригадалар ҳар гектар ердан камида 30 центнердан пахта етиштириш, меҳнат сарф-харажатлари ва таннархни Кўчиев бригадаси эришган даражага тенглаштириш учун ўзаро мусобақалашадилар.

Янги технологияга ўтиш комплекс механизациялашган бригадаларда ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига 60 миллион сўм пулни қарийб 10 миллион киши-кунини тежаб қолиш имконини беради.

Машиналар комплекси — ҳар бир бригадага

ЖАВОД Кўчиев бригадасининг донги республикада бир неча йиллардан буён маълум. Унинг тажрибасини пропаганда қилиш ва ўрганиш билан кўп шуғулландилар. Хўш, нима учун бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига етиштирилган маҳсулот, маҳсулот бирлигига сарфлаган меҳнат харажатлари, бир центнер ҳосилнинг таннархи бўйича фақат шу бригаданинг ўзигина шундай юксак кўрсаткичларга эришяпти? Чунки пропаганда қилиш ва тажрибани жорий этиш ишида энг асосий нарсани унутиб қўйдилар—бригадаларни Жавод Кўчиев ва унинг бригадаги ўртоқлари ишлашаётган машиналар комплекси ва асбоб-ускуналар билан қуроллантирмадилар.

Эндиликда республикада энг аввало ана шу асосий звенога жиддий эътибор бериляпти. Комплекс механизациялашган ҳар бир бригада ўтган йили Жавод Кўчиевда қанақа машиналар йиғиндиси ва асбоб-ускуналар бўлса, шулар билан таъминланаяпти. Улар ҳар бир гектар ер ҳисобига Жавод Кўчиев бригадаси билан тахминан баббаравар минерал ўғит ва заҳарли химикатлар оладилар.

Кўчиев бригадасида пахта майдони 140 гектар бўлгани ҳолда қуйидагича машиналар йиғиндиси ва асбоб-ускуналарга эга бўлган эди: учта «Т-28» трактори, иккита «СТВХ» ва битта «ПГС-4,0» гербицид установкалари комплектига эга бўлган «СЧХ-4» сеялкаси, иккита «НКУ-4—6—А» ва битта чеканка қиладиган мосламалар комплектига эга бўлган «НКУ-2,0» культиватори, учта пахта териш агрегати, жумладан «ХВС-1,2», «ХВС-2,0» ва «Пахтакор» машинаси, битта кўрак териш машинаси, 8 та трактор прицепи ва тўкилган пахтани терадиган подборщчик.

Бундан ташқари бригада ер ҳайдаш ва тупроқни экиш олдидан ишлаш учун керак бўлган пайтда совхоз бўлимининг машина сароийдан осиб ишлатиладиган мосламалар йиғиндиси ва прицепли машиналари бўлган ҳайдов тракторини олади.

Бошқа комплекс механизациялашган бригадаларга ҳам ана шундай шарт-шароитлар яратиб берилади. Лекин биз шу ўринда муҳим бир изоҳ бериб ўтишга мажбурмиз.

Жавод Кўчиев — энг тажрибали механик-ҳайдовчи. У ўтган йили А. Н. Приходько конструкцияси асосида яратилган янги тўрт қаторли «Пахтакор» агрегати билан шахсан ўзи пахта терди. Ҳар куни машина бункеридан хирмонга ўрта ҳисобда 12,5 тонна пахта тўкди. Ж. Кўчиев айрим кунларда 16—18 тоннадан пахта терди. 26 сентябрь куни 28 тонна «оқ олтин» териб, жаҳон рекорди қўйди.

Бригада пахта топшириш давлат планини 20 иш кунида бажарди. **Уч механизатор 20 кун ичида қарийб 4 минг центнер пахта терди. Агар шу муддат ичида шунча миқдордаги пахта қўл билан териб олинганида эди, камида 400 киши ишлаши керак бўларди.**

Жавод Кўчиев фақат ўз бригадаси далаларидан эмас, балки қўшни бригадаларнинг далаларидан ҳам пахта терди. 25 иш куни мобайнида унинг бир ўзи 3126 центнер пахта терди. Бундай унумдорликка ҳали мамлакатимиздаги ва чет элдаги бирорта ҳам механизатор эриша олгани йўқ.

«Пахтакор» пахта териш машинаси ўзининг яхши агрегат эканлигини кўрсатди. Ўтган йили Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Мамажон Дадажонов 27 иш куни мобайнида ана шу машина билан 3 минг центнер пахта терди. Бурноғи йили мамлакатимизнинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Оҳунова ҳам шундай машинада ишлаган эди. У ҳар куни 12—15 тоннадан пахта териб олди.

Ҳуллас, баҳодир «Пахтакор» комплекс механизациялашган бригадаларга албатта керак. Бундай ажойиб машиналар ишлаб чиқаришни, лоақал дастлаб унинг тажриба нусхаларини тайёрлашни тезроқ йўлга қўйиш керак эди. Буни Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик органлари, Ўрта Осиёнинг пахтачилик бўйича Давлат комитети ва «Союзсельхозтехника» талаб этмоқда. Бироқ Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбарлари кенгроқ хўжалик синовидан ўтказмоқ учун «Пахтакор»нинг ҳатто тажриба нусхаларини ишлаб чиқаришга ҳам розилик бермаяптилар. Бунга ўзиюрар «Пахтакор»га нисбатан тўрт қаторли осма машина фойдалироқдир, деган важни кўрсатмоқдалар. Лекин ҳозирча тўрт қаторли осма машина ҳам, унга қуввати етадиган трактор ҳам йўқ. Бундай машиналарни яратиш учун бир йил керак, қудратли пахта териш комбайни эса мамлакатга ҳозироқ зарур.

Яна бир муҳим ҳолат: ўтган йили Ж. Кўчиев бригадасида ва Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг далаларида тўкилган пахтани терадиган махсус подборщчик машинаси биринчи марта ишлатилди. Бу яхши натижа берди: бу машина икки теримда ерга тўкилган пахтанинг 83 процентдан кўпрогини териб олди. Республикадаги хўжаликлар жуда керакли бундай машиналарни кўплаб тайёрлашга заказ бердилар. Лекин «Союзсельхозтехника» бирлашмаси пахта йиғим-терими бошлангунига қадар бу заказ бажарилади, деб уларни ҳанузгача ишонтиргани йўқ.

Шунга ишонамизки, янги, жуда керакли машиналар ҳаётга йўлланма олади ва комплекс механизациялашган бригадалар улар билан ўз вақтида таъминланади.

Юксак ташкилотчилик

ТЕХНИКА билан яхши қуролланганлиги —Ж. Кўчиев бригадасининг ўзига хос муҳим томонидир. Муҳим томони фақат шундан иборат эмас. Бу бригаданинг тажрибасини ўрганган ҳамма кишилар унинг ташкилий жиҳатдан юқори даражада эканини тан кидиладилар.

Деҳончилик —Жавод Кўчиевнинг ота касби. У қандайдир битта, алоҳида олинган усул

МЕХАНИЗАТОР ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШИ КЕРАК:

— Кузда ерларни шудгорлашдан бошлабоқ далани машина теримига тайёрлаш.

— Шудгорлашни бутун массивда йиғим-терим тамом бўлишини кутиб ўтирмасдан, айрим карталар бўшаши биланоқ бошлаб юбориш.

— Органик ўғитлар ва суперфосфат солинган далаларни чала қолдирмасдан, текис, икки қаватлаб 30—35 сантиметр чуқурликда шудгор қилиш.

— Қиш даврида техникани далага чиққанда бирор соат ҳам тўхтаб қолмайдиган қилиб созлаш;

— ерни экишга тайёрлашни март ойида тамомлаш: уни обдон текислаш, табиий намни тўла сақлаб қолиш ва тупроқни яхши юмшатиш.

— Уруғликни уяларга белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялкалар билан чигит экишни беш-олти кун ичида тугаллаш, экиш билан бир вақтда ерга ўғит ва гербицидлар солиш. Бунда қаторларнинг тўғри бўлиши ва уруғнинг белгиланган чуқурликка тушишига жиддий эътибор бериш.

— Ғўза парвариши даврида далаларда бегона ўтларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик, тупроқни юмшоқ ҳолда сақлаш; ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни июль ойининг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмасдан тугаллаш.

— Ҳосил йиғим-терими даврида ҳар бир пахта териш машинасининг икки сменада тўла қувват билан ишлашини таъминлаш:

— Иккинчи машина теримидан кейин далага кўрак терадиган машиналарни, ундан кейин далани бутунлай тозалаш учун механик-подборщчикларни чиқариш.

— Давлатга пахта топшириш планини 20 иш кунидан кечикмасдан бажариш.

СУВЧИ ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШИ КЕРАК:

— Шўр ювишни шудгорлашдан кейиноқ бошлаб юбориш ва 1 декабрдан кечикмасдан тугаллаш.

— Суғоришни дўнгликдан, кўпроқ шўр босган жойдан бошлаш.

— Полларни сув билан бир меёрда тўлдириш.

— Сувнинг бир полдан иккинчи полга оқиб ўтишига, оқовасининг зовурларга ташлаб қўйилишига йўл қўймаслик.

— Тупроқнинг бир метргача чуқурликдаги қатламида бўлган тузларнинг тўла ювилишига эришиш, агар эҳтиёж туғилса яна қайтадан ювиш.

— Чигитни ернинг ўз намига ундириб олиш.

— Сувни тежаш, ғўзани чанқаган пайтида суғориш. Картанинг ҳамма жойида тупроқнинг бир меёрда намланишига эришиш.

— Ишни енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ҳар хил диаметрли найлар ёрдамида суғориш.

Мазкур қоидаларда пахта етиштириш технологияси ва илғор агротехниканинг асосий томонлари ҳам кўрсатилган. Улар технологик карталарни ишлаб чиқишда назарда тутилган. Бригадир бундай карталарни қишлоқ хўжалик мутахасисслари ва Ўрта Осиё машина синаш станцияси механизациялаштирилган ишлар технологияси лабораториясининг ходимлари иштирокида тузади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Жавод Кўчиев бригадасининг муваффақияти, умуман совхознинг муваффақияти хўжалик мутахассислари ва Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг мутахассисларидан В. Антонов, М. Красильников, Е. Мальцев, М. Калинин, Н. Шарипов ва А. Шелабоев ўртоқлар бутун иш



ЎРТА ОСИЁ машина-синаш станциясининг бош инженери Н. Ш. Шарипов Жавод Кўчиев бригадаси механизаторларини пахта етиштириш учун ишлатиладиган машиналарнинг янги комплекси билан таништирмоқда. Олдинги қаторда—Жаъфар Маҳрамов, Сари Кўчиев, Н. Ш. Шарипов ва Сулаймон Шокировлар янги осма пахта териш машинаси ёнида. В. Бородин фотоси.

ринининг кенгашида «Малик» совхозида маъмурий-хўжалик харажатлари ҳаддан ташқари кўп эканлигини жуда тўғри таъкидлаб ўтди. Ж. Кўчиев бригадаси бўйича бу харажатлар бутун таннархнинг 26,7 процентига тўғри келади ёки 3 сўм 85 тийинни ташкил этади. Бунга ажабланмаса бўлади. Совхоз ишчиларининг рўйхатдаги состави бир йилда ўртача 1 минг кишидан ошади, лекин бевосита ишлабчиқариш билан 851 киши шуғулланади. Маъмурий-бошқарув аппаратида эса 117 киши бор. Бундан кўриниб турибдики, ҳар етти ишлаб чиқарувчига битта маъмурий-бошқарув аппаратининг ходими тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот таннархига қўшилади ва ишлаб чиқариш билан бевосита шуғулланаётган кишиларнинг меҳнат ҳақига таъсир этади.

Ж. Кўчиев бригадасининг аъзолари қўшимча ҳақни ҳам ҳисоблаганда шунча даромад қиладилар: Ўтган йили бригадирнинг ўртача ойлик маоши 154 сўм 80 тийинни, бригада аъзоларининки эса 94 сўмни ташкил этди. Шу жумладан бригадирга 61 сўм 50 тийин, бригада аъзоларига 30 сўм 99 тийиндан қўшимча ҳақ берилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг ўша докладида Андижон область «Совой» совхозидаги И. Сулаймонов бригадасининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳам келтирди. Бу бригадада маъмурий-бошқарув чиқимлари бир центнер пахта умумий таннархининг 12,7 процентини ташкил этади. Ж. Кўчиев бригадасида эса 26,7 процентга тенг.

Ҳозир «Малик» совхозининг раҳбарлари ортиқча штатларни қисқартирмоқдалар. Агар улар маъмурий-бошқарув ҳаражатларини лоақал «Совой» совхозидаги даражага тушираолсалар, Ж. Кўчиев бригадаси фақат ана шунинг ҳисобигина 10.674 сўмни тежаб қолади. Бундай тежаш бригада аъзоларининг моддий-манфаатдорлигини янада оширишга кенг йўл очиб беради.

Ж. Кўчиев бригадаси ўтган йили 157 минг сўмлик маҳсулот топширди. Соф даромад 81 минг сўмни ташкил этди. Жамғаришнинг юксак даражаси пахтачилик бригадаларида асосий ва қўшимча меҳнат ҳақларининг янги нормаларини ишлаб чиқиш учун ҳам яхши асос бўлаолади.

«Малик» совхозида бир неча бригадалар ўзларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича Кўчиев эришган натижаларга яқин туради. Бу бригадаларга тажрибали пахтакорлардан Аляс Мамедов, Бобо Содиқов, Алиқул Юсупов, Эшқувват Маликовлар бошчилик қилишяпти. Лекин хўжаликда маҳсулот таннархи қимматга тушаётган бригадалар ҳам оз эмас. Мисол учун Тухмоқ Фозиловнинг бригадасини олиб кўрайлик. Бу бригада ўтган йили ҳар гектар ердан атиги 14,3 центнердан пахта олди, бир центнер маҳсулот етиштириш учун қарийб тўрт киши-куни сарфланди, бир центнер пахтанинг таннархи эса 25 сўм 97 тийинга тўғри келди. Ж. Кўчиев бригадасида гектар бошига олинган ҳосил 2,5 баравар кўп, бир центнер ҳосил етиштиришга сарфланган меҳнат харажатлари уч баравар кам, маҳсулот эса қарийб икки баравар арзон.

Т. Фозилов бригадасининг қолоқлиги ернинг шўрхоклигигагина боғлиқ эмас. Гап шундаки, ўртоқ Фозилов техника ва ўғитлардан юқори унум билан фойдаланишни ташкил эта олмади. Бу ерда машиналар билан ҳосилнинг атиги ярмигина терib олинди. Бир килограмм соф азот ҳисобига фақат 12 килограмм пахта етиштирилди.

Лекин, Фозилов бригадасининг қолоқлигига бошқа бир сабаб ҳам бор: у Кўчиевдаги каби машиналар комплектига эга эмас эди. Қўл меҳнатининг кўп сарфланганлигига сабаб ана шу. Бригада минерал ўғитларни кам олди, гербицидларни эса мутлақо олмади.

Умуман «Малик» совхози тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Тўғри, совхоз республикадаги бошқа хўжаликларга қараганда анча юқори кўрсаткичларга эришди: пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 29,5 центнерни ташкил этди, бир центнер ҳосил етиштиришга 2,5 киши-куни сарфланди, бир центнер пахтанинг таннархи 17 сўм 23 тийин бўлди. Хўжалик бўйича умуман олганда, механизация даражаси Ж. Кўчиев бригадасига нисбатан паст, ерга солинган ўғитларнинг нормаси ҳам кам.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, «Малик» совхозида, бошқа совхозлардаги каби, кишилар ўз меҳнатларидан юксак даражада модий манфаатдор бўлишлари учун имконият яратилмаган. Ўтган йили Т. Фозилов бригадасида ишчининг ўртача ойлик маоши 50 сўмга ҳам етмади. Совхоз бўйича эса ўртача ойлик маош 65 сўмга тўғри келади. Ахир совхоз биргина ўтган йилнинг ўзида давлатга 600 минг сўм соф даромад келтирди-ку. Шундай экан, давлат манфаатларига зиён етказмаган ҳолда бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконияти мавжуд эди.

Ҳозир совхозда Ж. Кўчиев тажрибасини ҳамма бригадаларга жорий этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳамма бригадалар Ж. Кўчиев бригадаси қанча минерал ўғит олган бўлса шунча ўғит, қанақа техника олган бўлса, шунақа техника оладилар («Пахтакор» комбайни бундан истисно).

Меҳнатга аккорд-мукофот системаси бўйича ҳақ тўланади.

* * *

Ўзбекистон пахтакорлари ленинчи КПСС Марказий Комитетининг чақиригига жавобан суғориладиган деҳончиликни интенсивлаш учун кураш бошладилар. Бу йўлда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун кураш муҳим ўринни эгаллайди.

А. УЗИЛЕВСКИЙ,
(«Сельская жизнь» газетасининг мухбири).

Ўзбекистон ССР.

(«Сельская жизнь» 1964 йил 15 март).

деҳончиликни интенсивлаш вазифасини ҳал қила олмаслигини яхши билади. Бригадир бутун кучини агротехниканинг илғор усулларини ишлаб чиқаришни механизациялаш ва химиялаштириш билан мумкин қадар тўлароқ боғлашга қаратади. У коллективда бир-бирига ишонч, ўзаро ёрдам ва топширилган ишга нисбатан катта масъулият ҳис этиш муҳитини вужудга келтириш учун жон куйдиради.

Бригадада қатъий қоидалар ишлаб чиқилган. Ҳамма механизаторлар ва сувчилар унга амал қилишади. Республика ташкилотларининг илтимосига биноан Ж. Кўчиев ва унинг бригадаси аъзолари мутахассислар ёрдамида бу қоидаларни шундай баён этдиларки, у маҳаллий шароитларга тўла мос келади.

жараёнларига пухта ўйлаган ҳолда, юқори малакали таъсир кўрсатаётганликларига, партия ташкилоти олиб бораётган ишга ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистонда комплекс механизациялашган ҳар бир бригада мутахассислардан малакали ёрдам олади.

Маҳсулотга қараб ҳақ тўлаш керак

ЮҚОРИДА айтиб ўтилганидек, Ж. Кўчиев бригадасида бир центнер пахтанинг таннархи 14 сўм 43 тийинга тўғри келди. Агар бевосита харажатларни ҳисоблайдиган бўлсак, унда 7 сўм 85 тийинни ташкил этади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимла-

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 17 МАРТ 1964 ИИЛ.



РАССОМЛАР УСТАХОНАСИДА

Шу кунларда республикамизнинг ҳарбир ижодкори Ўзбекистон Компартиясининг ва республикасининг 40 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш иштиёқида.

Пойтахтимизда яшаб, ижод қилаётган санъаткор рассомлар ҳам бўлажак тўй тантанасига ўз тўёналарини ҳозирламоқдалар. Ажойиб мўйқалам соҳибларимиз қандай янги полотнолар яратишаяпти, уларнинг ижодий фикр-ўйлари қандай, бўлажак катта юбилей бадиий кўргазмасига қандай асарлар тақдим этишмоқчи? Бу саволларга биз рассомларнинг ижодхоналари — устахоналарига бориб жавоб топдик.

Анвар Назиров гравюрачи рассом. У юбилейга атаб 22 саҳифадан иборат альбом-кўргазма тайёрлаш билан банд. Ажойиб, нодир ва нафис гравюра асарларидан иборат бўладиган бу кўргазманинг айрим темалар бўйича, жумладан, «Ўн тўрт Туркистон комиссари», «Босмачиларга қарши кураш», «Ҳамза», «Биринчи Чирчиқ гидроэлектростанциясининг қурилиши» кабиларнинг композицияси, эскизлари ўйланиб, қоғозга ҳам туширилиб қўйилди. Ҳозир рассом устахонасида Олтинтопган руда кони манзарасига бағишланган линогравюра асарларини тайёр ҳолда кўришингиз мумкин. Яқинда рассом Сурхондарё пахтакорлари ҳузурига бориб келди. Кўпгина портрет ва пейзаж асарлари яратди. Бу ҳақда рассомнинг ўзи қувонч билан қуйидагиларни гапириб берди:

— Меҳнат илғорлари билан учрашув ва жонли суҳбатлар пахтазор лочинлари ва бинокорларнинг қаҳрамонона ишлари, — дейди у, — менга жуда кўп янги мавзулар берди, замондошларимиз характерини яратишда, уларнинг гоя, умидларини полотнога кўчиришимда катта илҳом манбаи бўлди.

Григорий Шевяковнинг ҳам ўз иш услуби, ижодий режалари бор. У шу кунларда Орол балиқчилари, Мирзачўлнинг чўл қувварлари, Чорвоқ ГЭС қурилиши каби қатор муҳим темаларда литографик ва линогравюра асарлари сериясини яратмоқда. Шу билан бирга рассом Тошкент кўринишларига ҳам бағишлаб қизиқ композицияларда нафис асарлар яратиш орзусида. Унинг сўнгги ишларидан бири «Салор» деб аталади. Бу асарда дам олиш кунларидан бирида тоғ гаштини суриш, чанғида сайр этиш учун жўнашга оширқаётган пойтахт спорт ишқибозларининг ҳолатлари акварель бўёқларда ёрқин тасвирланган. Санъаткорни тасвирий санъатнинг турли жанрлари қизиқтиряпти. Шеваков шу кунларда замондошларимизга бағишлаб қатор портретлар ишлаяпти, китобларга иллюстрациялар чизяпти. Бу соҳада унинг ёзувчи Шуҳратнинг «Шинелли йиллар» романига ишлаган иллюстратив расмлари диққатга сазовор. Бугина эмас, Шевяков юбилейга бағишлаб революция йилларидаги Тошкент сериясида ҳам асарлар яратмоқда.

Юбилей кўргазмаси ҳамма рассомларнинг диққат марказида турибди. Бунга тошкентлик рассом Григорий Шполянский ҳам ўз ҳиссасини қўшиш ниятида. Рассомни кўпроқ саноат темаси қизиқтиради. Шунинг учун ҳам рассом «Красноводск-Боку — дўстлик кўприги», «Тўхташ жойи» ва «Тунги эшелон» номли уч асарини умумий бир ном билан «Ўзбекистон темир йўл транспорти» деб атаган.

Химия темаси рассом Нурбек Тансиқбоевнинг ижодида сезиларли ўрин эгалламоқда. Ҳозир у саноат темасида қалам юритиб, «Чирчиқ — химиклар шаҳри», «Катта химия» каби манзара расмлари устида қизғин иш олиб бормоқда.

Ҳозирги кун темаси кўп рассомларимиз ижодида ўз бўёғи, ўз услуби, ўз гояси билан акс эттирилмоқда. Сиз агар Зокир Иноғомовнинг устахонасига кириб қолсангиз ажойиб асарларни кўриб қувонасиз. Дарҳақиқат, бу ерда пахтакор ҳаёти ҳам, она юрт манзаралари ҳам, замондошларимиз портретлари ҳам бор. «Чўпон қалличи», «Ўрим», «Сокин оқшом», «Тунги суғориш» асарлари фикримизнинг далилидир. Шуни ҳам айтиш керакки, гарчи ҳали бу асарлар ўз ниҳоясига етмаган, тугалланмаган бўлса-да, рассомнинг мақсади, фикр-ўйларининг қизиқлиги ихтиёрингизни жалб эта олади.

Юсуф Елизаров талантли мўйқалам соҳиби сифатида ном қозонган. Шу кунларда у катта монументал полотно устида иш олиб бораяпти. Рассом бу асарида Самарқанд регистонида Ўзбекистоннинг Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилинишини қаламга олган. Бу асар рассомнинг юбилейга аталган муносиб совғаси бўлади.

Леонид Рябцев қўриқ ер шунқорлари қуйчисидир. Бу бечиз эмас. У Қўриқ ўлканинг «Ивановский» совхозида туғилиб, шу ерда вояга етди. Ижодининг асосий йўналиши ҳам худди ана шу она ер мадҳига мойил. Ҳозир рассом қўриқ ер ҳаётига бағишланган ўн саҳифадан иборат асарлар сериясида иш олиб бормоқда. Бундан ташқари у ҳайкалтарошлик санъати бўйича ҳам қатор асарлар яратмоқда. Рассомнинг ижодида замонамиз қаҳрамонлари ўз аксини топаётганлиги қувонарлидир.

Рассомлардан Валентин Жмакин ва Тачат Оганесовлар қизғин ижодий иш билан бандлар. Бу икки санъаткор бўлажак юбилейга оригинал асарлар тайёрлаш учун бутун ғайрат ва талантларини ишга солиб ижод қилишаяпти.

Хуллас, хоҳ гравюра бўлсин, хоҳ портрет, хоҳ ҳайкалтарошлик бўлсин, хоҳ тасвирий санъатнинг ҳамма жанрлари борки, янги асарлар, полотнолар яратилмоқда. Шубҳасиз, булар мўйқалам соҳибларининг Ўзбекистон ССР ва республикамиз Компартиясининг 40 йиллик юбилейига тайёрлаётган муносиб ҳадяси бўлади.

О. АПУХТИН,
«Тошкент ҳақиқати» нинг штатсиз мухбири.



Суратда: Рассом Ю. Елизаров ўз устахонасида. Автор фотоси.

ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ МОСКВАДА

Киров кўчасидаги 6-уйда жойлашган 119-китоб магазини харидорлар билан гавжум. Бу ерда Россияда китоб нашрининг 400 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон нашриётларида босиб чиқарилган китоблар сотилаяпти.

Бу китоб магазини кейинги кунларда Тошкентдан турли темаларда яна кўплаб китоблар олди. Магазиндаги бадиий адабиёт, техника, қишлоқ хўжалиги, медицина, мусиқа бўлимларидан талабчан москваликлар ҳар куни юзлаб китоблар харид қилмоқдалар. Ойбекнинг 4 томлик «Танланган асарлари», А. Қаҳҳорнинг «Танланган асарлари», Ғ. Ғулом, Ш. Рашидов, Зулфия, И. Раҳим, Хабибий ва бошқа шоир ҳамда ёзувчиларнинг асарларини пойтахт китобхонлари севиб ўқимоқдалар.

Л. АПАРНИКОВ.
Москва шаҳри.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЁШЛАРНИ ЙЎЛДА ҚОЛДИРАДИ

Бу нуроний, меҳнатсевар отани Киров қишлоқ советида танимайдиган киши кам топилади. Эркабой ота ҳалол меҳнати, касбга бўлган муҳаббати туфайли колхозчилар ўртасида катта ҳурмат қозонди.

1931 йил. Кўпчилик қатори Эркабой ҳам оиласи билан колхозга аъзо бўлиб кирди. Колхоз янги тузилган кезларда от асосий иш кучи ҳисобланарди. Эркабой отбоқар бўлиб ишлайбошлади.

Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтди. Ҳар касбнинг ўзига яраша гашти бор, деганларидек Эркабой ота касбига чуқур меҳр қўйди, вақтини аямай меҳнат қилди.

Эркабой ота оиласи колхозда энг кўп даромад қиладиган оилалардан ҳисобланади. Катта ўғли Раҳматжон колхозда сувчи, Абдухалил эса шофер бўлиб ишлайди. Қизи Малика ҳам колхозда энг илғорлардан.

Эркабой ота бошлиқ оила аъзолари ўтган йили 1340 та меҳнат куни ишладилар. Фақат отанинг ўзи кексалигига қарамай 630 та меҳнат куни ишлаб, 1531 сўм даромад қилди.

Тинмай тинчимаган 75 ёшли Эркабой отага колхоз маъмурияти дам олишни айтганда, у рад жавобини берди. Билагимда кучим, юрагимда ғайратим бор экан тинч туролмайман, меҳнат қиламан, дейди Эркабой ота Пўлатов.

Н. ҚАЮМОВ,
Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси, «Маданият» колхози.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Республика кино ходимлари уйида таниқли кинодраматурглар, истеъдодли кино артистлар ва умуман кино санъати ходимлари билан тез-тез учрашувлар, ижодий суҳбатлар ўтказиб турилади. Бу ерда ташкил этилган ёш киносценаристлар семинари машғулотлари ҳам қизиқарли ўтяпти. Яқинда ана шу семинар қатнашчилари ва кино ҳаваскорлар москвалик кинодраматург С. Г. Нагорний билан учрашдилар. Семен Григорьевич яқинда пойтахтимиз экранларида намойиш қилинган «Сенинг остонангда» фильми сценарийсининг авторидир. У 50 га яқин киносценарий яратган.

Ёш сценаристларнинг бу галги семинар машғулотида талантли кинодраматургнинг «Сенинг остонангда» фильми кўрсатилди. Фильм тугагандан сўнг С. Г. Нагорний бу фильм сценарийсининг яратилиши, кинодраматургнинг вазифалари, сценарий ёзиш «сир»лари ҳақида суҳбат ўтказди.

А. ЮСУПОВ.

ЯНГИ КОМАНДАЛАР, ФУТБОЛ ЯНГИ ЎЙИНЧИЛАР

Республикамиз спорт шарафини «Б» классида ҳимоя қиладиган командалар бу йил 5-зонада беллашадилар. Утган йили иккинчи эшелонда республикамиздан тўрт команда қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони бештага етди. Булар «Политотдел», «Химик» (Чирчиқ), «Спартак» (Самарқанд), «Нефтянник» (Фарғона) ва «Спартак» (Андижон) командаларидир.

Тошкент областининг «Политотдел» ва «Химик» (Чирчиқ) командалари ўтган йили мавсумни бир мунча муваффақиятли якунлаган эдилар. Командаларнинг бу йилги режалари ва мавсумга кўраётган тайёргарликлари билан танишиш мақсадида уларнинг машқларида бўлдик.

— Энг аввало, —деди «Политотдел» командасининг старший тренери Д. Шегай, —зонамиздаги командаларни мутлақо билмаслигимиз олдимизга конкрет вазифа қўйишни оғирлаштиради. Рақиб ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб бирор нарса дейиш қийин. Шундай бўлишига қарамай фахрли ўринлика киришга ҳаракат қиламиз. Утган йили тўртинчи ўринни олган эдик. Бундан паст натижа кўрсатиш биз учун уят.

«Командамиздан дарвозабон Б. Климов, ҳужумчилар И. Фозилов, В. Канцйберлар бошқа коллективга ўтиб кетдилар. Дарвозабон Кельцов, ўйинчилардан В. Орлов, С. Семенов лар эса командамиз составида ўйнаш истагини билдирдилар. Дастлабки ўртоқлик учрашувларини ҳам ўтказдик. Чимкентнинг «Металлург» командасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдик. «А» класси қатнашчиси— Фрунзенинг «Олга» командаси билан бўлган ўйинни эса 1:1 ҳисобида дуранг қилдик. Бироқ бу натижаларга қараб командамиз кучига баҳо бериб бўлмайди.

Мавсумнинг дастлабки беш учрашувини ўз майдонимизда ўтказамиз. Стартни муваффақиятли бошлашга ҳаракат қиламиз.

Областимизнинг иккинчи — «Химик» (Чирчиқ) командаси ҳам мавсумга қизғин тайёргарлик кўраяпти. Футболчилар январь ва февраль ойларида енгил атлетика, гимнастика, сузиш, акробатика, кросс, штанга билан шуғулландилар. Чимёнга чиқиб чанги учдилар.


— Футбол майдонимиз талабга тўла жавоб бермасди, —деди команда тренери Н. Мавроматис. Стадионни реконструкция қилиш, майдонни тартибга келтиришда футболчиларимизнинг ўзлари яқиндан ёрдам бераяптилар. Янгибозордан чим олиб келиб стадионга ётқизиб, майдонни текисляпмиз.

Командадан кетган В. Терешченко, С. Календаров, Г. Медниковлар ўрни А. Синелобов, Ю. Макаров, Т. Михайлуц, М. Байрамалиевлар билан тўлдирилди.

Шунингдек, Андижон ва Самарқандниг «Спартак» ва Фарғонанинг «Нефтяник» командалари ҳам мавсумга тайёргарликни қизитиб юбордилар.

Иккинчи эшелон қатнашчилари чемпионат байроғини 26 апрелда кўтарадилар. Бироқ улар 15 апрелдаёқ СССР Кубоги учун бўладиган учрашувларда қатнашиш учун яшил футбол майдонига саф тортиб чиқадилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ



Шаҳримиздаги сув спорти саройи спортчиларнинг севимли жойига айланган. Бу ерда ҳар куни юзлаб сузувчилар ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Суратда: машғулот пайти.

Б. Мазур фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИ ХОЛМЕНКОЛЛЕНДА

ОСЛО, 16 март. (ТАСС). Норвегияда меҳмон бўлиб турган совет космонавтлари Ю. А. Гагарин ва В. Ф. Биковский кеча Холменколлендаги традицион мусобақаларда ҳозир бўлдилар. Бу ерда бош министр Эйнар Герхардсен уларни табриклади.

Кечқурун СССРнинг Норвегиядаги элчиси Н. М. Луньков Ю. А. Гагарин билан В. Ф. Биковский шарафига қабул маросимини уюштирди. Қабул маросимида министрлар, стортинг депутатлари, маданият ва жамоат арбоблари, «Норвегия-Совет Иттифоқи» жамиятининг раиси Кнут Эйдсволд ҳозир бўлди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ЧАҚИРИЛИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 март. (ТАСС). Кипрнинг БМТдаги доимий вакили З. Россидес Туркиянинг Кипрга қуролли бостириб кириши хавфи кучайганлиги сабабли Хавфсизлик Кенгашининг дарҳол чақирилишини талаб қилди.

ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК РУҲИДА

БЕРЛИН, Жанубий Вьетнамни озод қилиш учун курашувчи миллий фронт Германия Демократик Республикасининг пойтахти Берлинда ўз ваколатхонасини очди. Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган танталли маросимда демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси профессор Корренс бундай деди: Германия Демократик Республикасининг аҳолиси ва ҳукумати Жанубий Вьетнам халқининг озодлик йўлидаги курашини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради.

(ТАСС).

БИРЛАШГАН ФРОНТ УЧУН

ПАРИЖ, 14 март. (ТАСС). 15 март якшанба куни ўтказиладиган кантон сайловларининг иккинчи даври арафасида Франция Коммунистик партияси сайловчиларга мурожаат қилиб, Коммунистик партия ва у билан блок тузган партиялар номзодларини ёқлаб овоз беришга чақирди. Франция Коммунистик партияси биринчи даврда натижасида коммунистлар сайловларда қатнашаётган партиялар рўйхатининг бошида бораётганлигини эслатиб, Франция республикачилари ва демократларини шу якшанба куни «шахсий ҳокимият» номзодларига яна зарба беришга чақиради. Матбуотнинг хабарича, де Голлга қарши блокни бузиш йўлидаги маъмурларнинг уринишларига қарамасдан, мамлакатнинг демократик кучлари иккинчи давра арафасида кўпчилик департаментларда ҳаракат бирлиги ҳақида ва умумий номзодларни қўллаб-қувватлаш ҳақида битим тузганлар.

ГДРГА ЎТДИЛАР

БЕРЛИН, 14 март. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, шу йил 10 февралдан буён бундесвер солдат ва унтер офицерларидан 14 киши Ғарбий Германиядан Германия Демократик Республикасига ўтган.

ФИНЛЯНДИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ХЕЛЬСИНКИ, 14 март. (ТАСС). Финляндия ҳукумати Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясига мувофиқ, Кипрда жойлаштириладиган БМТ қўшинлари составига бир батальон аскарини беришга қарор қилди.

Финляндия ҳукуматининг расмий вакили бугун ана шуни билдирди.

НЕФТЬ КОРХОНАЛАРИ НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 март. (ТАСС). Америка информация агентликларининг мухбирлари Рио-де-Жанейродан хабар беради: Бразилия президенти Гуларт нефть корхоналарини национализация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини имзолади.

ЕР ОСТИДА ЯНА ЯДРО ПОРТЛАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 март. (ТАСС). Атом энергияси бўйича комиссиянинг эълон қилишича кеча Невада штатидаги синов полигонида ядро қуроли ер остида яна портлатилган.

Европанинг шимоли атомсиз зонага айлантирилсин!

СТОКГОЛЬМ, 14 март. (ТАСС). Бу ерда Шимолий Европа мамлакатлари тинчлик тарафдорларининг Шимолий Европани атомсиз зона деб эълон қилишга бағишланган конференцияси очилди.

Конференцияда қатнашиш учун Финляндия, Дания, Норвегия, Швеция делегациялари келдилар.

Халқаро тинчлик тарафдорлари ташкилотларининг вакиллари ва турли мамлакатлардан келган меҳмонлар конференцияда кузатувчилар сифатида қатнашмоқдалар. Жаҳон Тинчлик Кенгашидан И. Г. Эренбург ва Ф. Шейдер, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетидан М. И. Котов ва Г. Д. Вовченко қатнашмоқда.

Конференция кун тартибида Европанинг шимолида атомдан холи зонани вужудга келтириш тўғрисидаги бир масала бор.

СУД ЗАЛИДАН ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

Судланувчилар курсисида бир гуруҳ қаллоблар: Тошкент шаҳар ижроия комитети қарамоғидаги труба печь бюросининг бошлиғи Борис Михайлович Семятитский, шу бошқарма ходимлари Павел Михайлович Федченко, Завел Вульфович Гантман, Андрей Егорович Носов, Василий Кузьмич Вротцев, Лев Яковлевич Криворук, Аминжон Саидов, Яков Филиппович Лифонов, Алексей Иванович Моисеев, Хоня Израилович Верштейнлар ўтиришибди. Бу олғирлар ўзлари ишлайдиган бошқарма кассасини турли ҳийла-найранглар билан талон-торож қилишган.

Бошқармада ишга алоқаси бўлмаган чет кишилар номига қалбаки ведомостлар тузиш, ишчиларнинг иш ҳақидан уриб қолиш, порахўрлик авжига чиққан. Натижада давлатнинг минг-минглаб сўм пули ўмарилиб, харомтомоқлар ўртасида бўлиб олинган.

Яқинда Октябрь район халқ суди ана шу жиноятчиларнинг ишини кўриб чиқиб, уларни қилмишларига яраша жазолади: Бошқарма бошлиғи Семятитский 4 йил, Гантман ва Носов 8 йил, Криворук ва Саидов 5 йил, Лифонов, Моисеев, Бершгейнлар 1 йилдан озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкларини эса давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ,
халқ маслаҳатчиси.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

ҲАҚИҚАТ ЕНГАДИ

Дунё жамоатчилигининг диққат-эътибори шу кунларда яна Конгога қаратилган. Сўнгги маълумотларга қараганда Квилу провинциясида қаттиқ жанглар бўлаётир. Идиофа шаҳри Патрис Лумумбанинг ҳақиқий ишига содиқ бўлган ватанпарвар партизанлар томонидан озод қилинди. Идиофа шаҳридан кейин партизанлар яна бир қанча қишлоқларни ҳам кетма-кет озод қилдилар.

Мамлакатдаги миллий озодлик кучларининг қаҳрамонона курашига, Конго халқининг асл мақсадларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган миллий озодлик комитети раҳбарлик қилмоқда. Миллий озодлик комитети Конгони империалистлар ҳукумронлигидан, Конго халқининг хоинлари Мобуту, Нендан, Бомбока ва бошқаларнинг зулмидан қатъий озод қилиш каби муқаддас вазифани ўз олдига қўйган. Конгодаги ҳозирги реакцион снёсат олиб бораётган ҳукуматнинг қуролли армияси ичида ҳам империалистларнинг малайларига қарши чиқишлар бўлиб турибди. Бирнеча кун илгари Леопольдвилда 5 ниши отиб ўлдирилди. Улар Конгонинг ҳозирги реакцион ҳукумати снёсатига очиқдан очиқ қарши чиққан эдилар.

Бу ҳарбий хизматчилар ўз жанговар ўртоқлари билан бир неча ой илгари Леопольдвилдаги 1-рота составида қуролли нўталиш уюштирдилар. Бу жасур кишилар Конго армияси қуролли кучлари қўмондони Мобутуни, хавфсизлик хизматининг бошқарувчиси Нендакни қамоққа олдилар, қўлларини маҳкам боғлаб, уларни сўроқ қилдилар.

Аммо Мобуту ва Нендан жандармерия кучлари томонидан 2-3 соатдан сўнг озод қилинди. Қўриқчилар қўриқлаган ҳолда уйларига олиб борилди. Янги маълумотларга қараганда, партизанларнинг жанговар курашлари Каванго, Касан, Катанга провинцияларига ҳам тезлик билан ёйилмоқда. Стенливиль шаҳри районида ҳам партизанларнинг чиқишлари бўлиб турибди. Партизанлар ҳозир 16 минг квадрат километр майдонни озод қилдилар. Бу майдон Бельгия майдонининг ярмига тенг келади. Конго ватанпарварларининг адолатли курашига Патрис Лумумбанинг содиқ сафдошларидан Пьер Мулеле раҳбарлик қилмоқда. Конгонинг ҳозирги президенти Касавубу буйруғи билан партизанларга қарши ҳукумат аскарлари юборилмоқда. Конгонинг ҳозирги реакцион ҳукуматн Пьер Мулелени тирик ёки унинг жасадини келтирган кишига 750 минг Конго франки тўланишини сурбетларча эълон қилди.

Конгодаги ҳозирги воқеаларнинг асосий сабаби бу мамлакат ички ишларига империалистларнинг қўпол равишда аралашаётганлигидир.

Конго мустақиллиги эълон қилинганлигига ҳозир 3,5 йилдан ошиб кетган бўлса ҳам, Конго мустамлакачилик зулмидан тўла озод бўлмади. Конго экономикасида ҳали ҳам чет эл капитали ҳукмрон. Империалистлар Конгода ўз позицияларининг сиёсий таъсирини кучайтиришга яна уриндилар.

Конгонинг мис, кобальт, уран, радий, қалай, рух, марганец, олтин, темир, кумуш, олмос каби бойликларидан Америка компаниялари фойдаланмоқдалар. Конгонинг ҳозирги ҳукумати чет эл империалистларининг малайларига айланиб қолди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам оғирлашди.

Чет мамлакатларига кетиб қолган Чомбе ва бошқалар халқ бойлигини ҳам талаб кетдилар. Чомбе ва унинг шериклариннинг 13 та мамлакат банкасида пули бор. Шу кунларда Мадридда яшаб турган одамхўр Чомбе, Патрис Лумумбанинг жасади кўмилган жойидан олиниб, гугурт кислотаси билан эритиб, йўқ қилинганлигини, бу ишда Конгонинг ҳозирги бош министри Аduланинг ҳам қўли борлигини яқинда мухбирларга ошкора айтди. Америка империалистлари Конгони бўлиб ташлаш, Конго армиясини қуроллантириш, Конго ҳарбий қисмларига «таълим» бериш каби планларни амалга оширишга зўр бериб уринмоқдалар.

Америка империалистлари таъсирида Конгонинг ҳозирги ҳукумати реакцион йўл тутаётир. Ўтган йили сентябрда Конго парламенти тарқатиб юборилди. Октябрь ойида эса мамлакатда фавқулодда аҳвол эълон қилинди. Жуда кўп прогрессив арбоблар қамоққа олинди. Ноябрь ойига келиб Конго ҳукумати турли ижволарни уюштириб, икки совет дипломатини қонунсиз равишда мамлакатдан чиқариб юборди. Ҳукуматнинг бу тадбирлари халққа қарши қаратилган реакцион тадбирлар эди. Буларнинг ҳаммаси Конго халқининг империалистларга, Конгонинг ҳозирги реакцион ҳукуматига қарши олиб бораётган курашини янада кучайтириб юборди.

Конго халқи ўзининг миллий қаҳрамони Патрис Лумумбанинг васиятларига содиқ бўлган ҳолда ўз Ватанининг ҳақиқий озодлиги учун курашни давом эттирмоқда. Бу курашда ҳақиқат енгади.

А. ОМИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 17 МАРТ 1964 ЙИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Ғунча журнали саҳифаларида, 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Опера ҳақида**, 19.20 — **Ҳужум кетмонда** (илмий-оммабоп фильм), 20.05 — **Сиҳат-саломатлик** телевизион журнали.

20.45 — **Эшиттириш программаси.**

Рус тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Жанубий Қозоғистон** саноати ходимлари учун, 21.30 — **Реклама ва эълонлар**, 21.40 — **Совет Тожикистони** киножурнали ва **Уч юракли медальон** номли киноновеллалар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Авлодлар хотираси** (телевизион фильм), 19.05 — **Эрта нузда** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да **Флория Тоска**, 18/III да **Дилором.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/III да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 18/III да «**Лилипутлар**» **музикали аттрацциони** ва **цирк томошалари.** Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

«**Елена**» **бухтаси**» — «**ВАТАН**» (кундуз ва кечқурун).

Кодин — НАВОИЙ номли, ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 10 да).

Майсазорда юриш мумкин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СССР итальян кўзи билан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Уч мушкетёр (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4 ва кеч 7 да).

Сир — ЎЗБЕКИСТОН номли (эрталаб соат 10 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
Москва гастроллари олдидан қўйиладиган

СПЕКТАКЛЛАР

17/III да — **Қутлуғ қон.**
18/III да — **Юлий Цезарь.**
19/III да — **Қонли сароб.**

Спектакллар кеч соат 7 ярим да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
18, 20 мартда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Сора Шукурова, Тўхта Алихўжаева, Манзура Мўминова** ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

1964 йил 27 март кундуз соат 2 яримда, Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети советида (Якуб Колас кўчаси, 16-уй).

Р. А. Муҳаммаданинов — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон шароитида гипсцемент пуццоланли керамзит-бетондан буюмлар ишлаб чиқариш учун унинг асосий хусусиятларини текшириш» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Якуб Колас кўчаси, 16-уй).

1-Оқсой кўчаси, 34-уйда турувчи **Ҳамид Рихсиевнинг** шу уйда турувчи Муҳаррам Илҳомовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Ҳангар кўчаси, Кўктош проезд, 26-уйда турувчи **Таснира Камалитдиновна Мингазованинг** Кўксув кўчаси, 89-уйда турувчи Минихан Мингазович Мингазовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Сағбон кўчаси, Тарих проезд, 2-тупик, 9-уйда турувчи **Раҳим Каримқулович Бадалмирзаевнинг** Тинчлик кўчаси, 33-уйда турувчи Жўрабибн Тўхтаевна Муҳаммадалиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06441. ИНДЕКС 64695. Нашр. № Б. 1713.